Октябрнинг 50 йиллиги

ТОШКЕНТ ПАХТАСИ 100.000 ТОННАДАН ОШДИ

Пахтакор ва механизатор ўртоқлар, республика Қизил байроғи муборак. ● Сизнинг ғайрат ва шижоатингиз ҳаммани қувонтирмоқда. Ана шундай ишлаш керак. ● *Суръатга яна суръат қўшайлик, Совет давлатининг эллик йиллигини муносиб кутиб олиш учун курашайлик!*

БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

№ 188 (3670). | Жума, 22 сентябрь 1967 йил. | Баҳоси 2 тийин.

ТЕРИМ ИЛҒОРЛАРИГА БАЙРОҚЛАР

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва Министрлар Совети пахта териш ва давлатга сотиш бўйича республика областлари, районлари ва совхозлари ўртасидаги социалистик мусобақанинг сентябрь ойи иккинчи ўн кунлиги якунларини қараб чиқдилар.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва Министрлар Советининг кўчма Қизил байроғи **Тошкент областига** (область партия комитетининг секретари **М. Абдураззоқов**, область ижроия комитетининг раиси **Э. Шайхов**, область комсомол комитетининг секретари **Б. Тошхўжаев**, область қишлоқ хўжалик бошқармасининг бошлиғи **Ли И. А.**, область пахта тайёрлаш трестининг бошқарувчиси **С. Нишонбоев**, «Узсельхозтехника» область бирлашмасининг раиси **М. Ф. Мамонтов**; суғориш тармоқлари область бошқармасининг бошлиғи **И. Полвонов**) берилди. Бу область пахта тайёрлаш йиллик планини 29,62 процент, машина терими планини 32,34 процент бажарган ва сентябрнинг иккинчи ўн кунлигида пахта тайёрлашда 27,62 процент, машина теримида 32,27 процент ўсишни таъминлаган. Байроқ Қашқадарё областидан олиб берилди.

Кўчма Қизил байроқ **Фарғона областида** (область партия комитетининг секретари **Ф. Шамсиддинов**, область ижроия комитетининг раиси **М. Иброҳимов**, область комсомол комитетининг секретари **М. Йўлдошев**, область қишлоқ хўжалик бошқармасининг бошлиғи **А. Маматхонов**, область пахта тайёрлаш трестининг бошқарувчиси **М. Мирзаахмедов**, «Узсельхозтехника» область бирлашмасининг раиси **Мун И. К.**, суғориш системалари область бошқармасининг бошлиғи **К. Расулов**) қолдирилди. Бу область пахта тайёрлаш йиллик планини 30,33 процент, машина терими планини 13,99 процент бажарган ва сентябрнинг иккинчи ўн кунлигида пахта тайёрлашда 23,17 процент ва машина теримида 13,95 процент ўсишни таъминлаган.

Кўчма Қизил байроқ Қашқадарё областининг **Ғузор районида** (район партия комитетининг секретари **К. Маҳмудов**, район ижроия комитетининг раиси **Н. Маҳсумов**, район комсомол комитетининг секретари **А. Омонов**, район қишлоқ хўжалик бошқармасининг бошлиғи **К. Аҳмаджонов**, «Узсельхозтехника» район бирлашмасининг бошқарувчиси **Я. А. Илнади**, суғориш системалари район бошқармасининг бошлиғи **И. Ражабов**) қолдирилди. Бу район пахта тайёрлаш йиллик планини 63,08 процент, машина терими планини 24,71 процент бажарган ва сентябрнинг иккинчи ўн кунлигида пахта тайёрлашда 41,06 процент ва машина теримида 24,71 процент ўсишни таъминлаган.

Кўчма Қизил байроқ Фарғона областининг **Киров районига** (район партия комитетининг секретари **О. Алихонов**, район ижроия комитетининг раиси **У. Бегматов**, район комсомол комитетининг секретари **И. Усмонов**, район қишлоқ хўжалик бошқармасининг бошлиғи **Т. Ҳайдаров**, «Узсельхозтехника» район бирлашмасининг бошқарувчиси **А. Ш. Борисов**, суғориш системалари район бошқармасининг бошлиғи **Ғ. Жалилов**) берилди. Бу район пахта тайёрлаш йиллик планини 48,41 процент, машина терими планини 20,21 процент бажарган ва сентябрнинг иккинчи ўн кунлигида пахта тайёрлашда 36,99 процент ва машина теримида 19,88 процент ўсишни таъминлаган. Байроқ Қашқадарё областининг Яккабоғ районидан олиб берилди.

Кўчма Қизил байроқ **қўриқ Мирзачўл районига** (район партия комитетининг секретари **С. Керимов**, район ижроия комитетининг раиси **Т. Абролов**, район комсомол комитетининг секретари **М. Раҳимов**) берилди. Бу район пахта тайёрлаш йиллик планини 14,71 процент, машина терими планини 25,19 процент бажарган ва сентябрнинг иккинчи ўн кунлигида пахта тайёрлашда 14,71 процент ва машина теримида 25,19 процент ўсишни таъминлаган.

Кўчма Қизил байроқ Фарғона областидаги **Киров номли совхозга** (директори **И. Тожиев**, партия комитетининг секретари **О. Жўраев**, ишчилар комитетининг раиси **Ж. Маҳкамов**) берилди. Бу совхоз пахта тайёрлаш йиллик планини 55,89 процент, машина терими планини 30,41 процент бажарган ва сентябрнинг иккинчи ўн кунлигида пахта тайёрлашда 42,83 процент ва машина теримида 30,41 процент ўсишни таъминлаган. Байроқ Қашқадарё областидаги Файзулла Хўжаев номли совхоздан олиб берилди.

Кўчма Қизил байроқ Сирдарё областидаги **28-қўриқ совхозга** (директори **Э. Ҳолматов**, партия комитетининг секретари **Тен В. Н.**, ишчилар комитетининг раиси **Н. Қурбонов**) берилди. Бу совхоз пахта тайёрлаш йиллик планини 31,13 процент, машина терими планини 51,88 процент бажарган ва сентябрнинг иккинчи ўн кунлигида пахта тайёрлашда 30,41 процент ва машина теримида 50,68 процент ўсишни таъминлаган.

БАЙРОҚ ЯНА ЯНГИЙЎЛДА

Область партия комитети ва область ижроия комитети районлар, колхозлар ва совхозларда пахтани териш ва давлатга топшириш юзасидан бошланган социалистик мусобақанинг сентябрь ойи иккинчи ўн кунлиги якунларини кўриб чиқиб қарор қилдилар.

Область партия комитети ва область ижроия комитетининг кўчма Қизил байроғи **Янгийўл районида** (район партия комитетининг секретари **Алимов**, район ижроия комитетининг раиси **Усмонов**, ишлаб чиқариш бошқармасининг бошлиғи **Азимов**, район комсомол комитетининг секретари **Хайдаров**, «Узсельхозтехника» район бирлашмаси бошқарувчиси **Каниболоцкий** ўртоқлар) қолдирилди. Район ўн кунликда пахта териш ва давлатга топширишда 33,88 процент ўсишга эришиб, машина терими планини 38,34 процент бажарган. Пахта топшириш йиллик плани 41,46 процент, машина терими плани эса 38,42 процент миқдорида адо этилган.

Оққўрғон ва Юқори Чирчиқ районлари колхозлари, совхозларининг пахтани териб олиш ва давлатга топширишни яхши ташкил этганликлари қайд қилинди.

Область партия комитети ва область ижроия комитетининг кўчма Қизил байроғи Оққўрғон районидаги **1-«Оққўрғон» совхозига** (директори **Набиев**, партия ташкилотининг секретари **Убайдуллаева**, бош агрономи **Абдураҳмонов**, бош инженери **Белоусов**, ишчилар комитетининг раиси **Донёров**, комсомол ташкилотининг секретари **Нестеренко** ўртоқлар) берилди. Совхоз ўн кунликда пахта териш ва давлатга топширишда 34,72 процент ўсишга эришиб, машинада пахта териш йиллик планини 53,95 процент бажарган.

Область партия комитети ва область ижроия комитетининг кўчма Қизил байроғи Оққўрғон районидаги **«Ленинград» колхозига** (раиси **Пак**, партия ташкилотининг секретари **Зокиров**, комсомол ташкилотининг секретари **Дё**, бош агроном **Пак**, бош инженер **Усмонов** ўртоқлар) берилди. Колхоз ўн кунликда пахта териш ва топшириш бўйича 66,85 процент ўсишга эришган, машинада пахта териш йиллик планини эса 78,71 процент бажарган.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИДА

Матбуотда, партия ва совет органларида қўпйиллик ва самарадор меҳнати учун ва туғилган кунига 50 йил тўлиши муносабати билан Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг секретари Рихси САҲИБОЕВ Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фармонига биноан Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фахрий ёрлиғи билан мукофотланди.

* * *

Совет органларида қўпйиллик ва самарадор меҳнати учун ва туғилган кунига 60 йил тўлиши муносабати билан Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг секретариат бўлими мудири Андрей Николаевич ПАЗДЗЕРСКИЙ Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фармонига биноан Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фахрий ёрлиғи билан мукофотланди.



ОБЛАСТИМИЗ РАЙОНЛАРИДА ПАХТА ТАЙЁРЛАШНИНГ БОРИШИ ТЎҒРИСИДА 21 СЕНТЯБРГАЧА БЎЛГАН МАЪЛУМОТ

(Планга нисбатан процент ҳисобида).

Районлар	Машина терими		мавсум бошидан бери
	бир кунда	мавсум бошидан бери	
Янгийўл	5,06	41,46	6,27	38,42
Оққўрғон	4,72	31,15	5,44	36,41
Юқори Чирчиқ	4,22	29,91	6,10	36,25
Бўка	4,75	27,66	6,25	33,06
Ўрта Чирчиқ	5,05	27,56	7,47	34,22
Оржоникидзе	3,69	27,42	3,73	9,09
Бекобод	2,67	16,68	3,26	14,27
Область бўйича:	4,51	29,62	5,83	32,34

МАШИНАЛАР ҚУДРАТИ

Вақт ҳали эрта, соат саккизлар чамаси. Идорада колхоз раиси, партия ташкилотининг секретари, агроном кеча канча пахта топширилгани, бугун канча пахта топшириш мумкинлигини ҳисоб-китоб қилиб ўтиришарди. Йиллик план салкам 46, бир кунлик топшириқ 4,22 процент.

— Бугун 50 процентдан ошамиз, —деди агроном Баҳром Мирзараҳимов.

— Ошишка-ку ошамиз, аммо бошқалар ҳам тек туришмайди-да. Қани бошқа колхозларнинг ҳам ишини кўрайличи,— колхоз раиси Маҳмуд Исматов районга телефон қилиб маълумот олди-да трубкани ўрнига қўйди, —ана айтмадимми.

Колхоз партия ташкилотининг секретари Раҳимхўжа Эшонхўжаев маълумотни қўлга олиб кўздан кечира бошлади.

— Свердлов номли, «Ленинизм», Ҳамроқул Турсунқулов номли, Киров номли, Калинин номли колхозлар беш процентдан ошириб пахта топширипти. «Интернационал» колхозининг бир кунлик пахтаси салкам етти процентга етибди.

— Ўх-хў,— деди агроном.

Бу ҳол ҳозир областимизда пешқадам бўлиб бораётган Янгийўл районидаги хўжаликларда терим суръатини ошириш учун, биридан бири ўтиб илгарироқ маррага етиш учун кизғин кураш бошланганини, теримда бирини бири қувиб ўтиб кетиш учун интилаётганини кўрсатиб турарди. Районда отни тезроқ қамчидаш пайти келган. Терим суръати чўққига чиқиб бораяпти. Тош-тарозилар тилга кириб қайси хўжаликда ишнинг қандай кетаётганини аниқ кўрсатиб турибди. Бундай пайтда қуруқ гап билан тарозини алдаб бўлмайди. Терим машиналарининг қандай ишлаётганини, теримчилар иши қандай уюштирилганини тарози кўрсатиб беради.

Колхоз раиси, партия ташкилотининг секретари ва агроном шу ҳақда ўйлаб ишни қандай ташкил этиш, бугун кунлик топшириқни беш процентга етказиш, қўшнилардан кейин қолмаслик тўғрисида бош қотира бошладилар.

— Бугун беш процент, топшириқ шу,— деди раис ниҳоят. Улар ўзлари биркитилган участкаларга тарқалиб кетишди.

Мажид Шербеков бошлиқ звено колхозда пешқадам. Бу звенода йиллик план етмишдан ошди. Раҳмат Аҳмедов, Тошпўлат Юсупов, Омон Юсупжонов бошлиқ звенолар унинг кетидан қувиб боришяпти.

152 Ф навли пахтани кечикироқ дейишарди. Лекин шу навли пахта Мадамин Маранимов бошлиқ звенода эрта пишган. Пахта кийгос очилган. Бу ерда 7 та пахта териш машинаси жадал ишламоқда. Звенода йиллик пахта тайёрлаш плани етмишдан ошган. Ўтган йили гектаридан 34,6 процентдан ҳосил кўтарган звено аъзолари ҳосилдорликни бу йил 40 центнерга етказишни мўлжаллаб ғайратга-ғайрат қўшмоқдалар.

Мажид Шербеков бошлиқ звенода ҳам ҳосил баракали. Бу звенода машина билан биринчи теримнинг ўзидаёқ гектаридан 24 центнердан ҳосил кўтарилди.

Юбилей йилида «Коммунизм» колхозининг аъзолари 820 гектар пахта майдонининг ҳар гектаридан пландаги 28 ўрнига 30 центнердан ҳосил олишга аҳд қилганлар. Лекин даладаги пахта мўлжалдагидан кўра анча мўл. Бутун диққат-эътибор мана шу «оқ олтин»ни жадал териб олишга, сентябрь ойида йиллик планни камида 80 процент миқдорида бажаришга қаратилган. Ҳозир колхоз далаларида 17 та пахта териш машинаси, 435 теримчи ишлаб турипти. Ж. Турсунов, Т. Юсупов, Ж. Душабоев, Т. Нурхўжаев сингари механик-ҳайдовчилар, дала гвардиячилари колхознинг юкини енгил, узоғини яқин қилиш учун жонбозлик кўрсатмоқдалар. Колхоз механизаторлари дастлаб мавсумда 900 тонна пахта териш мажбуриятини олган эдилар. Бу топшириқ албатта ошириб бажарилади.

Б. ХАЛИЛОВ.



Суратда: колхознинг илғор механизаторларидан: (чапдан) Ж. Турсунов, Т. Юсупов, Т. Нурхўжаев ўртоқлар. Н. Тўраев фотоси.

ОБЛАСТЬ КОЛХОЗ ВА СОВХОЗЛАРИДА ПАХТА ТАЙЁРЛАШНИНГ БОРИШИ ТЎҒРИСИДА 21 СЕНТЯБРГАЧА БЎЛГАН МАЪЛУМОТ

(планга нисбатан процент ҳисобида)

КОЛХОЗЛАР

Колхозлар номи	Мавсум бошидан бери	Машина терими
ЯНГИЙЎЛ РАЙОНИ		
«Ленинизм»	55,41	57,74
Х. Турсунқулов номли	53,41	15,89
Свердлов номли	49,67	49,25
«Партия XXI съезди»	48,29	50,67
«Москва»	48,27	39,50
Киров номли	47,77	55,93
Ленин номли	45,94	35,38
«Коммунизм»	45,45	37,89
«Интернационал»	45,29	52,09
«Қизил Октябрь»	43,29	39,80
Калинин номли	41,73	36,67
Карл Маркс номли	41,71	28,09
Н. Ниёзов номли	39,84	37,69
Фрунзе номли	35,94	48,29
Жданов номли	35,55	43,88
«Октябрь 40 йиллиги»	35,08	38,67
«Узбекистон ССР 30 йиллиги»	33,58	44,25
Навоий номли	32,79	25,33
Энгельс номли	31,92	26,00
С. Раҳимов номли	30,46	74,00
«Ленинград»	29,60	22,00
ОҚҚЎРҒОН РАЙОНИ		
«Ленинград»	66,85	78,11
«Победа»	59,33	65,12
Ленин номли	56,42	57,55
«Москва»	45,37	42,69
Охунбобоев номли	43,54	42,84
«Коммунизм»	39,54	39,22
«Заря коммунизма»	39,47	36,56
Калинин номли	39,25	38,89
«Озод»	38,70	34,52
Ҳамза номли	37,81	47,69
Навоий номли	37,54	30,33
«Ленинизм»	35,97	38,00
Вотинцев номли	35,62	47,20
«Партия XXII съезди»	33,32	28,28
Карл Маркс номли	31,01	33,58
Свердлов номли	29,10	29,10
«Ленинобод»	26,90	30,56
Ҳамид Олимжон номли	26,89	40,15
Куйбишев номли	25,37	23,29
Димитров номли	23,65	27,88
Энгельс номли	22,98	22,57
«Гулистон»	14,44	9,62
Киров номли	9,12	8,63
ЮҚОРИ ЧИРЧИҚ РАЙОНИ		
«Ленинский путь»	61,53	93,75
«Политотдел»	34,89	47,81
Свердлов номли	27,99	47,33
Карл Маркс номли	24,85	5,00
«Правда»	24,67	—
«Узбекистон»	15,16	5,12
УРТА ЧИРЧИҚ РАЙОНИ		
«Партия XXII съезди»	51,68	47,12
Терешкова номли	43,82	60,50
Охунбобоев номли	42,23	42,46
«Полярная звезда»	36,22	47,30
Карл Маркс номли	33,91	42,38
«Ленин йўли»	29,44	37,94
Куйбишев номли	27,07	31,32
Калинин номли	25,17	31,78
Ленин номли	25,06	31,07
Энгельс номли	23,79	27,95
«Северный маяк»	22,72	36,18
Свердлов номли	20,28	20,06
«Коммунизм»	18,52	15,47
БЎКА РАЙОНИ		
«Партия XX съезди»	62,14	67,40
«Ленинобод»	61,41	65,50
Ленин номли	53,53	90,00
Тимирязев номли	45,59	54,56
«Октябрь 40 йиллиги»	42,93	52,28
«Партия XIX съезди»	42,63	61,46
Жамбул номли	38,80	43,91
«Ленинизм»	34,85	51,25
Свердлов номли	32,91	32,48
Тельман номли	31,81	45,30
«Коммунизм»	31,80	37,05
Карл Маркс номли	30,53	42,33
«Ленин йўли»	28,87	34,84
Ҳамза номли	28,24	38,23
Охунбобоев номли	23,71	22,67
Калинин номли	22,73	33,71
Ильич номли	21,55	29,38
«Гулистон»	20,43	16,79
Мичурин номли	16,86	20,81
ОРЖОНИКИДЗЕ РАЙОНИ		
«Правда»	50,00	—
«Қизил Узбекистон»	31,21	—
БЕКОБОД РАЙОНИ		
«Победа»	47,28	46,19
Ленин номли	24,43	23,28
Навоий номли	15,03	5,72
Дзержинский номли	7,41	1,41
«Коммунизм»	6,47	0,17

СОВХОЗЛАР

Совхозлар	Мавсум бошидан бери	Машина терими
1-«Оққўрғон»	34,72	53,93
«УзССР беш йиллиги»	30,35	35,45
Сегизбоев номли	26,07	38,64
«Бўка»	22,96	24,64
Киров номли	22,08	31,62
2-«Пионер»	20,40	22,00
«Коммунизм»	19,51	27,87
«Чаноқ»	18,02	12,71
1-«Пионер»	16,55	19,51
1-«Далварзин»	14,95	14,82
3-«Далварзин»	14,72	10,92
2-«Далварзин»	9,27	9,49
«Кўкорол»	7,23	2,80
Совхозлар бўйича:	19,99	26,95

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИДА

МЕҲНАТНИ ИЛМИЙ УЮШТИРИШНИ ЗЎР БЕРИБ ЖОРИЙ ҚИЛАЙЛИК, ИШЛАБ ЧИҚАРИШ МАДАНИЯТИНИ ОШИРАЙЛИК

КПСС Марказий Комитети Свердловск область партия ташкилотининг ва Рибинск шаҳар партия ташкилотининг меҳнатни илмий уюштиришни саноатда жорий қилиш ва ишлаб чиқариш маданиятини оширишга доир ишлари тўғрисидаги масалани муҳокама қилди. Қабул қилинган қарорда айтиладики, халқ хўжалиги тармоқларига энг янги техника билан тобора кенг миқёсда таъминланаётган, ишчи ва мутахассисларнинг малакали кадрлари ўсиб етишган ҳозирги шароитда ишлаб чиқаришни, меҳнатни ва бошқаришни илмий уюштириш алоҳида катта аҳамият касб қилмоқда. Одамлар меҳнатини илмий негизда, энг рационал равишда уюштириш, уларнинг иш шароитини яхшилаш ва шу асосда меҳнат унумдорлигини оширишга эришиш зарур. Кўпгина партия ва касаба союз ташкилотлари КПСС XXIII съездининг ижтимоий ишлаб чиқаришнинг самарадорлигини ошириш тўғрисидаги кўрсатмаларини бажара бориб, мана шу вазифаларни ҳал қилишга кўпроқ эътибор берадиган бўлиб қолди.

Меҳнатни илмий уюштиришни жорий қилиш ҳамда заводлар ва фабрикаларни ишлаб чиқаришнинг юксак маданиятига эришган корхоналарга айлантириш мусобақасини ривожлантириш борасида Свердловск областида ва Рибинск шаҳрида ижобий тажриба тўпланди. Мазкур область ва шаҳарнинг саноатида ускуналардан тағин ҳам тўлиқ фойдаланишни, иш вақтининг нобуд бўлишини камайтиришни, ишнинг илғор усулларини қўлланишни, иш жойларини иш қуроллари билан рационал таъминлашни ва иш жойларига узлуксиз хизмат кўрсатишни, ишлаб чиқаришни планлаштириш ва бошқаришнинг прогрессив системаларини ўзлаштиришни, меҳнат шароитини согломлаштиришни, меҳнаткашларнинг маданий-техникавий савиясини оширишни таъминлайдиган комплекс тадбирларни ишлаб чиқиш, планлаштириш ва амалга оширишнинг янги методлари қўлланиладиган бўлиб қолди. Шундай чора ва тадбирларнинг амалга оширилаётганлиги меҳнат унумдорлигини ўстириш суръатларини кучайтиришга, давлатнинг план топшириқларини ва олинган мажбуриятларни муддатидан олдин бажаришга ёрдам бермоқда. Коллективларда меҳнат ғайрати ва сиёсий активлик ошиб бормоқда, социалистик интизом мустаҳкамланмоқда.

Меҳнатни илмий уюштириш ва ишлаб чиқаришнинг юксак маданияти ижтимоий меҳнат унумдорлигини, илмий техника тараққиётини ва социал тараққиётни янада узлуксиз ўстиришнинг муҳим омиллари эканлигини ҳисобга олиб, КПСС Марказий Комитети Свердловск область ва Рибинск шаҳар партия ташкилотларининг ишлаб чиқаришни ва меҳнатни илмий асосда уюштиришни планли равишда такомиллаштириш ишларини ўтказишда ишчилар, мутахассислар ва олимлар активлигини ва ижодий ҳамдўстлигини ривожлантиришга доир фаолиятларини маъқуллади. КПСС Свердловск область комитетига ва Рибинск шаҳар комитетига бу ишни янада кенгайтириб ва чуқурлаштириб, унинг барча партия, касаба союз ва хўжалик органларининг, ҳар бир ишлаб чиқариш коллективининг кундалик ишига айлантириш таклиф қилинди.

Иттифоқдош республикалар Компартияларининг Марказий Комитетларига, ўлка, область партия комитетларига саноатда, қурилишда ва транспортда меҳнатни илмий уюштиришни жорий қилиш қай аҳволда эканлигини кўриб чиқиш, партия, совет, хўжалик ва касаба союз ташкилотларининг куч ва ғайратини меҳнатни илмий ташкил этишни ва ишлаб чиқаришнинг юксак маданиятини бутун чоралар билан жорий қилишга қаратиш, бу борада Свердловск области ва Рибинск шаҳри партия ташкилотларининг тажрибасидан фойдаланиш тавсия қилинди.

Марказий, республика, ўлка ва область газеталарининг редакцияларига, радиоэшиттириш ва телевидение комитетларига саноат корхоналарида, қурилиш ва транспортда ишлаб чиқаришни, меҳнатни ва бошқаришни уюштиришдаги энг янги муваффақиятларни ва илғор иш тажрибаларини систематик равишда ёритиш ва пропаганда қилиш таклиф этилди. СССР Министрлар Совети ҳузуридаги Кинематография комитети шу мақсадда илмий оммабоп ва ҳужжатли фильмлар чиқаришни кўпайтириши лозим.

КПСС Марказий Комитети, министрликлар ва идораларнинг раҳбарлари зиммасига ўзларига қарашли корхоналарда ишлаб чиқаришни, меҳнат ва бошқаришни илмий уюштириш принципларини изчиллик билан амалга оширишни таъминлаш, Ватанимиз ва чет эл фани ва практикасининг шу проблемларни ҳал этишдаги муваффақиятларини тўла равишда ўрганиш ва ёйиш, меҳнатни уюштиришни яхшилашда, саноат эстетикаси, санитария ва гигиенасига доир тавсияларни ишлаб чиқиш вазифасини юклади. Илмий тадқиқот ва лойиҳалаш институтлари, конструкторлик бюроларининг меҳнатни уюштиришнинг прогрессив методлари негизида ишлаб чиқариш жараёнларини такомиллаштиришдаги ролларини ошириш зарур. Министрликлар ва идораларнинг раҳбарлари меҳнаткашларга энг қулай меҳнат шароити ва ишлаб чиқариш шароити яратиб беришда корхоналарга амалий ёрдам бериб туришлари шарт.

1968 йилнинг биринчи ярмида Свердловскда ва Рибинскда корхоналар ва илмий тадқиқот муассасалари раҳбарларининг, министрликлар ва идоралар ходимларининг иштироки билан партия ходимларининг семинарини ўтказиб шу семинарда корхоналарда меҳнатни илмий уюштиришни жорий қилиш ва ишлаб чиқариш маданиятини ошириш борасидаги иш тажрибасини ўртоқлашишга қарор қилинди.

МАШЪАЛЛАР

Ўрта Чирчиқ район саноат комбинати коллективи юбилейга муносиб ҳозирлик кўрмоқда. Барча цехларда қайноқ меҳнат жўш урмоқда. Ҳар бир ишчи улкан тўйга муносиб тўёна билан бориш орзусида астойдил ишлаяпти. Комбинат партия ташкилотининг секретари Юсуф Дадабоев биз билан суҳбатда саккиз ойда белгиланган 606 минг сўм ўрнига 822 минг 600 сўмлик иш бажарилганини қувонч билан айтди.

Комбинатда меҳнат намуналари ташкил этилган. Айниқса, 1- ва 2-цех аъзолари юқсак интизом билан ишлаб, юқори унумдорликка эришаётирлар. Цех бошлиғи Ефим Козлов ҳар қайси ишчининг топшириқни қандай бажараётганини кунда анализ қилиб боради. Мусобақа пешқадамларини рағбатлантиради. Ким Нина, Маҳмуд Абдураҳмонов каби сергайрат ишчилар ойлик топшириқни мунтазам 150—160 процентдан адо этиб, машъалликни қўлдан бермай келаётирлар. Цех меҳнатсеварлари саккиз ойлик топшириқни икки ҳиссадан зиёд ошириб бажаришга муваффақ бўлишди.

Қобилжон Алимов раҳбарлигида тикувчилар ҳам бўш келишмаяпти. Ли Екатерина, Ким Роза, Лазокат Болтабоевалар байрамга арзигулик совға тайёрлашмоқда. Ишчилар ўртасида социалистик мусобақа кундан-кунга кучайиб боряпти.

Ш. ХОЛМУҲАМЕДОВ.



В. Лебедев Чорвоқ ГЭСи қурилишида зўр ғайрат ва шижоат кўрсатаяпти. У қурилиш бошланғандан бери шу ерда монтаж ишларини олиб боряпти. Айни пайтда Улуғ Октябрнинг 50 йиллиги шарафига бошланган социалистик мусобақага қўшилиб ажойиб ютуқларни қўлга киритаётир.

В. Сироткин ва Н. Гдауберзон фотоси.

БОШЛАНҒИЧ ПАРТИЯ ТАШКИЛОТЛАРИДА ҲИСОБОТ САЙЛОВ ИЙҒИЛИШИ

ИШОНЧНИ ОҚЛАМАДИ

Улуғ байрам арафасида ҳар бир совет кишиси ўзи эришган ютуқлари, қилган ишларига бир назар ташлайди. Имкониятлардан яхши фойдалана олдимми, элга кўпроқ манфаат келтириш учун яна нималарга эътибор бериш керак эди. Ана шу саволга ўзича жавоб ахтаради.

«Главташкентстрой» транспорт бошқармасига қарашли 11-автобаза коммунистлари ҳам партия ташкилотининг ҳисобот даврида бажарган ишларига якун ясарканлар, социалистик Ватанимизнинг қудратини янада мустаҳкамлаш, олинган мажбуриятларни шараф билан бажариш учун қилинадиган ишлар ҳақида маслаҳатлашдилар.

Тўғри, бу партия ташкилоти автобаза коллективи сингари ёш. Шу йилнинг март ойида тузилган. Ана шу қисқа вақт ичида шоферлар, ремонтчилар ўртасида меҳнат интизомини мустаҳкамлаш, тарбиявий-сиёсий ишларни кучайтириш соҳасида баъзи ишлар қилинди. Булар меҳнат унумдорлигини оширишга анчагина ёрдам берди. Лекин қилинган ишлардан кўра бой берилган имкониятлар кўп эди.

Буни ҳисобот доклади қилган партком секретари ўртоқ Хвесюкнинг сўзларидан ҳам билиб олса бўларди. Аввало шуни айтиш керакки, у докладга яхши тайёргарлик кўрмаган. Шунинг учун ҳам кўпроқ умумий гапларга берилиб, йўл қўйилган камчиликларнинг сабабини очиб ташлашга журъат этолмади.

Секретардан нима учун партиявий-ташкилий ишлар кўнгилдагидек йўлга қўйилмади деб сўрасангиз, бюро аъзолари мен билан ҳамкорлик қилишмади, улардан икки киши сайланганидан икки ой ўтгач ишдан бўшаб кетди, озчилик бўлиб қолдик, деб жавоб беради. Докладда ҳам ана шу баҳоналарни кўпроқ бўрттириб кўрсатишга ҳаракат қилди.

Энди шундай савол туғилади. Автобазада ҳалигача комсомол ташкилоти тузилмаганлиги, коммунистларнинг ўқуви ташкил этилмаганлиги, шоферлар ўртасида социалистик мусобақа, коммунистик меҳнат учун кураш авж олдирилмаганлигига ҳам бюро аъзоларининг ишдан бўшаб кетиб қолганлари сабабми?

Музокарада сўзга чиққан коммунистлар ана шу сингари кўпгина камчиликларни очиб ташладилар.

Биринчи бўлиб сўзга М. Хамбеков чиқди. У автобаза ташкил қилингандан буён шу коллективда ишлаб келаётир. Нотиқ ўз сўзида автомобилчиларга нормал иш шароити яратиб берилмаганлиги ҳақида гапирди. Автобаза қулқуруқ ерда ташкил этилган эди. Ҳозиргача бу ерда маъмурият учун дурустроқ бино қурилмади, ишлаб чиқариш хоналари йўқ. Шоферлар ўртасида оммавий-ташкилий-тарбиявий ишлар олиб боришмайди. Партия ташкилоти одамлар билан ишлашни унутиб қўймоқда. Автомобилчиларнинг унумли меҳнат қилишлари учун ҳамма шароитни яратиб бериш керак.

Сўзга чиққан коммунистлардан Б. Ивушкин, Х. Асқаров, Ф. Шарипов партия ташкилоти ва бюросининг қониқарсиз ишлаганлигини танқид қилиш билан бирга бошқарма адресига ҳам ўз эътирозларини билдирдилар. Бошқарма партия комитети автобаза партия ташкилотига етарли ёрдам бермаётир.

Бу ерда меҳнат интизомини ҳартарафлама яхши деб айтиб бўлмайди. Иш шу даражага бориб етганки, айрим шоферлар ишдан сўнг ўзларига бириктирилган машиналарни уйларига олиб кетадилар ёки бўлмаса ётоқхона атрофига қўядилар. Бундай аҳволни нормал деб бўладими? Нега биз коммунистлар ана шу сингари номақбул ҳолларга бефарқ қарайміз. Мен демоқчиманки, ҳамма ишни, ҳамма айбни фақат партия комитетига юкламай, биз коммунистлар бир-биримизга кўмак беришимиз, умум ишини назорат остига олишимиз керак, дейишди нотиқлар.

Улар партия ташкилоти коммунистлар сафини ўстиришга етарли эътибор бермаганлигига оид фактларни ҳам келтирдилар. Масалан, техника ҳавфсизлиги бўйича инженер В. И. Животовский бундан бир ярим ой илгари партияга қабул қилишларини сўраб ариза берган эди. Лекин унинг аризаси ҳамон партком секретарининг тортмасида турибди. Шунингдек, айрим шофер—коммунистларнинг интизомсизлиги уларнинг ахлоқсизлиги ва нотўғри ҳатти-ҳаракатлари тўғрисида партия комитетига тушган аризалар ҳам кўпинча оқибатсиз қолиб келаяпти.

Техникадан унумли фойдаланишга эътибор берилмайди. Бу соҳада ҳатто партком секретари—3-автоколонна бошлиғи Хвесюкнинг ўзи бошқаларга ўрнак бўла олмади. Унинг курсатмаси билан бир нечта автомобилларнинг қисмлари тарқатиб юборилиб, фақат рамаларининг ўзигина қолди.

Ана шунинг учун ҳам йиғилиш қатнашчилари партия бюроси ишини қаттиқ танқид қилдилар. Ишончни оқлай олмаган партком секретари сайланмай қолди.

Коммунистлар йиғилишида қадрлар бўлимининг бошлиғи Антонина Николаевна Семидоцкая партком секретари қилиб сайланди.

П. СЕЛЕЗНЕВ.

ХАРИДОР ДИДИГА МОС

Пойтахтимиздаги «Қизил тонг» тикув фирмаси коллективи қўлидан чиқаётган кийим-бошлар харидорларга ёқиб қолган. Магазинлар фирма маҳсулотларини жон деб олаяпти. Яқинда бир воқеанинг гувоҳи бўлдик. Тошкент Марказий универмагига «Қизил тонг» фирмаси тиккан аёллар ва эркаклар пальтоси келиб тушди. Харидорлар дарров молларнинг ўёқ-буёғини кўздан кечириб ўзларига ёққанини танлаб олишди. Орадан икки кун ҳам ўтмай фирма маҳсулотни тўла реализация қилиб бўлинди.

— Ҳозир шундай,— дейди ЦУМ тайёр буюмлар бўлими бошлиғи Анна Голубовская.— Ўтган ярим йилда фирма план бўйича ЦУМга 494 минг сўмлик маҳсулот етказиб бериши керак эди. Молларнинг бозори чаққон бўлгани учун биз улардан 496 минг сўмлик тайёр буюм қабул қилиб олдик. Сўнгги ойларда ҳам фирма етказиб бераётган пальтолар пешма-пеш сотилиб турибди.

Дарвоқе, сўнгги йилларда маҳсулот сифатини яхшилаш бўйича корхонада кўпгина тадбирлар амалга оширилди. Ҳозирги пайтда фирмада мунтазам равишда «сифат куни» ўтказилиб турибди. Бундан ташқари ҳар бир тикувчи ўз ҳамкасби ишч устидан контроллик ўрнатган. Маълумки, бу ерда ишлар конвейер усулида бажарилади. Ҳар ким ўзи бажарадиган операцияни пухта билади. Агарда қўшниси ўз ишини сифатсизроқ бажарса, бу маҳсулотни иккинчи операцияни бажарувчи тикувчи қабул қилиб олмайди. Шундай усулни қўллангунча озмунча тайёргарлик кўрилгани йўқ. Чеварларга беш-олти хил ҳунар ўргатилди. Ҳозир кўпчилик тикувчилар пальто тикиш жараёнида бажариладиган барча операцияларни пухта эгаллаб олишган.

Фирма коллективи саратовликлар усулида ишлашга ўтиб, кўп нарса ютди. Шу йилнинг 1 мартидан бошлаб барча цехлар нуқсонсиз маҳсулот ишлаб чиқаришга кўчирилди. Энди ҳар бир чевар маҳсулотини контролерлар бир бор кўришдаёқ қабул қилиб олмоқдалар. Агарда бирор жузъий камчилик сезилса ишчи мана шу нуқсонни маълум вақт ичида тузатиб бериши керак. Агар муддат ўзайиб кетса мукофотдан маҳрум бўлади. Бу нуқсон яна қайтарилса унда ишчи қайта тайёргарликдан ўтказилади. Шундан кейингина уларга қайтадан разряд берилади.

Корхона техника кабинетида ташкил этилган ишчилар ўқуви ҳозир сифатли маҳсулот тайёрлашда кўп фойда беряпти. Бундан ташқари ҳар бир цех ҳузурида контролерлар бюроси ишлаб турибди. Бюро аъзолари бракнинг қандай содир бўлганлигини ўрганадилар ва келажакда бундай ҳолларга йўл қўймаслик тадбирларини белгилайдилар. Натижа ёмон бўлмаяпти. 2-, 7-тикув цехларида ҳозир брак йўқ даражада. А. Абдусатторов мастерлик қилаётган смена шу йилнинг ярим йили мобайнида тикилган маҳсулотнинг 93 процентини биринчи кўрсатишдаёқ контролерга топширишга муваффақ бўлди.

Ҳозирги кунда фирма коллективи Улуғ Октябрнинг 50 йиллиги шарафига бошланган социалистик мусобақани кенг қулоч ёйдирмоқда. Юбилей йилининг ўтган етти ойи мобайнида 2 миллион сўмликка яқин соф фойда олинди. Таннархни арзонлаштириш эвазига эса 137 минг сўмлик иқтисодий самара кўрилди. Бу ютуққа айниқса корхона рационализатор ва ихтирочилари катта ҳисса қўшмоқдалар. Ўтган ойлар ичида улардан маҳсулот сифатини яхшилашга қаратилган 500 дан ортиқ таклиф тушди. Таклифларнинг кўпчилиги тўла ишлаб чиқаришга жорий этилмоқда. Ҳозир пальтоларнинг 60 дан ортиқ янги хил модели тайёрланаяпти.

Эндиликда фирма тайёрлаётган буюмларга маълум балл билан баҳо берилмоқда. М. Ҳайдарова, А. Тупаева, А. Абдусатторов ўртоқлар бошлиқ смена аъзолари қўлидан чиқаётган маҳсулотлар 38—40 балл олмоқда. Демак, бу моллар жаҳон стандарти даражасига кўтарилгандир.

Ҳозир фирма дарвозасидан мол ортиб чиқаётган машиналар республикамиз ва ўрта Осиё шаҳарларидаги 45 улгуржи база ва фирма билан бевосита алоқа боғлаган магазинларга томон йўл олаяпти.

А. БУХАРБОЕВ.

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» нашрларни маълум қилади

«БИРИДА СЕРОБ, БИРИДА КАМЁБ»

Шундай сарлавҳа билан босилган мақолада областимизнинг колхоз ва совхозларида етиштирилган мева ва сабзавотларни шаҳарлик меҳнаткашларнинг дастурхонига етказиб беришда ўйл қўйилаётган камчиликлар, айрим савдо ходимларининг ўз вазифаларига масъулиятсизлик билан қараётганликлари, маҳсулотларни ташиб келтиришда ортиқча харажатлар кўпайиб кетаётгани очиб ташланган эди.

Мақолада кўрсатилган камчиликларни тугатиш, шаҳарлик меҳнаткашларни ёзнинг ноз-неъматлари билан мўл-кўл таъминлаш ишларини яхшилаш мақсадида мақола савдо бошқармасига юборилган эди.

Тошкент шаҳар ижроия комитети савдо бошқармасининг бошлиғи Ўртоқ М. Ортиқхўжаевдан жавоб олдик. Унда шундай дейилади:

«Бирида сероб, бирида камёб» сарлавҳали мақолада жуда ҳам ўринли мулоҳазалар ўртага ташланган. Колхоз, совхозларда мўл-кўл етиштирилган мева, сабзавотларни шаҳарга ташиб келтириш ва сотиш ишлари айрим жойларда яхши ташкил қилинмаган. Баъзи савдо ходимларининг бу масъулиятли ишга жиддий эътибор бермаётганлиги натижасида мева ва сабзавот маҳсулотлари бир магазинда кўп, иккинчисида кам бўлган.

Шаҳар савдо бошқармаси шу масалани ўрганиб чиқди ва зарур тадбирлар белгилади. Бу эса эндиликда яхши натижалар беряпти.

Ҳозир мева, сабзавот маҳсулотларини даладан тўғри магазинларга ёки дўконларга келтириб сотиш билан бирга, уларнинг ҳар хил ассортиментда бўлиши ҳам таъминланмоқда.

МЕТАЛЛУРГЛАР ВАХТАДА

Металлург — фахрли касб эгаси. Улкан даражадаги иссиқликка бардош бериб пўлат эритаётган олов қалб кишиларни Бекобод металлургия заводида кўплаб учратасиз. Биз ана шулардан бири, СССР Олий Совети депутати Шерали Ҳамроқулов бригадаси ишларидан сўзламоқчимиз. Унинг бригадаси шу заводнинг фахри, ғурури. Зиммадаги топшириқни бажармаган кун—ойлари йўқ. Юбилей шарафига олиб борилаётган ишлар натижаси янада қувончли. Улар йиллик пландан ташқари 700 тонна пўлатни тезкорлик усулда ишлаб чиқариш мажбуриятини олган эдилар. Бу ҳаднинг бажарилиши ҳозир аниқ-равшан бўлиб қолди.

Пешқадам металлурглар пўлат эритишга сарфланадиган маблағни камайтириш мақсадида браккa қарши кескин курашишяпти. Ҳар бир ишчи бу соҳада ўз зиммасига қонун-қоидаларга қатъий риоя қилиш масъулият ҳисси коллектив ўз олдига қўйилган вазифанинг удасидан чиқишига гаров бўлмоқда.

— Бригада аъзоларимизнинг ғоятда аҳиллиги натижасида,— дейди Ш. Ҳамроқулов,— доимо юзимиз ёруғ бўлаяпти. Аъзоларимиз фақат бир-бирларининг меҳнат ютуқлари билангина қизиқиб қолмай, оилавий ҳаётлари, шахсий турмушлари билан ҳам қизиқадилар. Бир-бирлари учун ҳамиша ёрдамга тайёрдирлар.

Аҳил коллектив шу кунларда «Октябрь 50 йиллиги» номини олиш учун астойдил меҳнат қилаётир.


М. РЎЗИМАТОВ.

ЯНГИ ГРАФИК АСОСИДА

Тошкент темир йўл бўлими ходимлари юк ташувчи поездлар ҳаракатини тезлаштириш мақсадида тармоқ графиги тузидилар. Янги график асосида Тошкент—Чингелди участкасида қатновчи юк поездлари тезлиги оширилди. Графикни тузиш олдидан участкага хизмат қилувчи темирйўлчиларнинг иш вақтлари, йигув составининг ҳамма жиҳатлари эътиборга олинди, бу баъзи «танг жой»ларни тузатишга катта ёрдам берди. Янги-янги резервлар аниқланди. Бу ишга станция бошлиқлари, состав тузувчилар, бош конструкторлар, кондукторлар жалб этилди.

Янги график ҳар бир темир йўл ходимининг масъулиятини оширди, поездларнинг соз қатновини таъминламоқда. Эндиликда бошқа участкаларда ҳам бу усулни қўллаш учун тайёргарлик ишлари олиб бориляпти.

А. ПАРИМОВА.



Брест гилам тўқиш комбинатининг цехларидан бирида.



Москва кўчаси.

В. Герман фотолари.

МАМЛАКАТИМИЗНИНГ ҒАРБИЙ ДАРВОЗАСИ

(Фоторепортаж)

Брест кўчалари серҳашам каштанлар, мирзатераклар ва акацияларга бурканган, улар чизғичдек тўғри ва равон. Унинг девор ёқаларидан Буг дарёси шилдираб оқмоқда. Бу — СССРнинг давлат чегараси.

Брест. Афсонавий шаҳар, қалъа-шаҳар, севимли диёримиз ҳимоячиларининг жанговар шуҳрати, мислсиз қаҳрамонлигининг ёркин гувоҳи. 1941 йилнинг ёз фаслида уларнинг беқиёс жасоратлари халқларимиз хотирасида абадий сақланиб қолажак.

Тилларда достон бўлган Брест чет эллик меҳмонлар йўладаги биринчи совет шаҳри, мамлакатимиз дарвозасидир.

Вокзалда турли тилларда суҳбатлашаётган одамларни учратасиз. Газета киоскасининг олдида, «Союзпечать» дўкони ва ёдгорлик совғалари билан савдо қилувчи магазин ёнида ҳам чет эллик меҳмонларни учратиш мумкин. Вокзал олдидаги ресторанда ҳам худди шундай манзара. Шаҳарнинг энг яхши ҳисобланган «Буг» меҳмонхонасининг администратори сизга «жой йўқ. Ҳамма ўринлар чет элликлар билан банд» дегундай бўлса ажабланманг.

Вокзал биносининг пештоқида ўрнатилган радионкарнайлардан дикторнинг поездларнинг келиши ва кетиши ҳақидаги хабари эшитилиб туради. Диктор аэлопларни рус, поляк, немис ва инглиз тилларида ўқиб эшиттиради. Брестдан Варшава ва Берлин, Париж ва Лондон, Рим ва Копенгаген, Магдебург ва Эрфурт ва бошқа хилма-хил номга эга бўлган шаҳарларга Брестдан тўппа-тўғри жўнаш ва қайтиш мумкин.

Диктор шаҳарга кириб келаётганларни афсонавий қалъа, Брест шаҳрининг ёдгорлик жойлари билан танишишга таклиф этади.

Қаҳрамон Брест қалъасининг ҳимоя қилинганига чорак аср тўлди. Ёдгорлик лавҳаси бўлиб қолган бу қаҳрамон қалъа ўтмишининг шонли тарихини эслатади. Шаҳар қиёфаси ўзгариб кетган. Брест шаҳрида урушгача 7 та саноат корхоналари бўлиб, уларнинг ҳаммаси гитлерчилар томонидан вайрон қилинган эди. Эндиликда 32 та саноат корхонаси ишлаб турибди. Брестнинг гилам тўқиш комбинатида ҳар йили 1 миллион квадратга яқин жакард гиламлари тайёрланади. Газ аппаратлари заводи эса йилига 180 минг газ плиталари ишлаб чиқармоқда. Брест мамлакатимизнинг шаҳар ва районларига 2 миллион дона устки кийим, 10 миллион сўмлик тикув моллари ва бир қатор бошқа маҳсулотлар етказиб бермоқда. Ирик электр лампа заводи қурилаяпти. дастлабки цехлари маҳсулот бера бошлади. Унинг конвейерларидан 10 миллион электр лампочкаси ишлаб чиқарилди. Беш йилликнинг охирига келиб корхона тўла қувват билан ишга тушгач, йилига 225 миллион лампочка ишлаб чиқаради.

Брестда ўтган етти йил мобайнида 219 минг квадрат метр уй-жой барпо этилди. Бу урушдан аввалги уй-жой майдонига тенг. Кўпқаватли уйларда, жумладан битта ўн қаватли бино ёнида башня кранлари шаҳар манзарасини безатиб турибди. Саноат корхоналари корпуслари, касалхона, инженерлик қурилиш институти, туристлар станцияси, болалар муассасаларига мўлжалланган янги бинолар қурилмоқда.

Бу шаҳарда совет тупроғига қадам қўйган Ватанимиз меҳмонлари бугунги кунда ана шу манзаранинг шоҳиди бўладилар...

... Шаҳар автобуси сизни бир зумда маршрутнинг охирги пунктига элтиб қўяди. Бу ерда эса Ватанимиз ери тугайдиган жойгача унчалик узоқ эмас. Бу ерда СССР давлат чегарасининг контроль-пропуска пункти жойлашган.

Буг дарёсидаги кўприк устида иккита шлагбаум ўрнатилган. Кўприкнинг нариги томони — Польша, бериги томони эса Совет Иттифоқининг ери ҳисобланади. 1967 йил халқаро туристлар йили деб эълон қилинган. Шунинг учун кўприкда ҳар хил рангдаги ва шаклдаги автомобиллари: митти икки ўринли машинадан тортиб, катта автобусларни кўриш мумкин. Автомашиналар сони ўтган йилга нисбатан икки марта кўпайган. Кўприк ёнида майсазор ичидаги уйда чегарачилар, таможня ходимлари, «Интурист» вакиллари жойлашган. Ҳужжатларни расмийлаштиришга бир неча минут керак, холос.

КПП навбатчиси В. И. Перзанов чегарачига ишора қилиши биланоқ шлагбаум очилади. Навбатдаги автомашина кўприкдан ўтади.

Автотуристларнинг бири билан суҳбатлашаяпмиз. У СССРдан кетиш олдида дарахт соясида дам олгани ўтиради. Жаноб Лендорт Бонтельбалнинг Гаага шаҳри чеккасида қурилиш фирмаси бор. Унинг Совет Иттифоқида биринчи марта бўлиши. У оила аъзолари билан Минск, Смоленск, Москва шаҳарларида бўлди. Жаноб Лендортни энг аввал мамлакатимизнинг шаҳарларида олиб борилаётган қурилиш ишлари жуда қизиқтирди. Меҳмон катта таассуротлар билан ўз ватанига жўнаб кетмоқда. Икки йилдан сўнг у Ватанимизга келиш ниятида.

Кўримсиз бир машина майдонга кириб келади. Машинадан 4 та хушчақчақ йигитлар чиқишади. Улар Франциядан келишган экан. Бирма-бир танишдик. Университет студентлари — Бернар Бомпа, коллеж ўқувчилари — Поль Бомпа, Жан Демене, Ги Пуаланлар Анже шаҳрида яшашди. Йигитлар бу йил «Франция—СССР» жамиятига аъзо бўлишган. Бернарнинг отаси ўз дўстларининг СССРга сафар қилишлари учун ўзининг кўпни кўрган «Ситроен» машинасини бериб қўйибди.

Чегарачи Брест мамлакатимизга очиқ кўнгил, яхши ният билан келаётган ҳар бир меҳмонни катта мамнуният билан кутиб олади.

— Афсуски, деб ҳикоя қилади таможня старший инспектори Р. Ф. Силионов, — мамлакатимизга аҳён-аҳёнда қора ният билан келаётган туристлар ҳам учраб туради. Яқинда ГФРдан келган Иоҳан Коллертадан чегарада тавротнинг ўн бир томини тортиб олдик. Китобларнинг ҳар бирида «АҚШда босилган» деб ёзилган. АҚШ граждани Айк Никули ҳам диний адабиётлардан олиб ўтмоқчи бўлган. Мана бундай «меҳмонлар»ни биз бошчақа қабул қиламиз.

Мамлакатимиз дарвозаси... Чет элларга йўл олаётган турли товарлар ортилган эшелонларнинг кети узилмайди. Чет эллардан келган вагонлардаги юклар пешма-пеш туширилмоқда. Дарё портида Украина рудаси немис эшелонларига ортилмоқда. Ташқи савдо кенгайиб бормоқда. Товар оборотн ўсмоқда.

Меҳнаткаш шаҳар, афсонавий шон-шуҳратларга эга бўлган Брест тобора янги-янги меҳмонларни қабул қилмоқда. Уларнинг кўплари мамлакатимизда бўлиб унинг яхши дўстлари бўлиб қоладилар.

Н. БУТРИМОВИЧ, ТАСС мухбири.



Қаҳрамон Брест қалъасининг Холмск дарвозасида.



Илмий-техника ҳамкорлиги плани бўйича қардош Чехословакиядан Совет Иттифоқига кабелчи мутахассислар келишди. Улар Тошкент кабель заводида ҳам бўлиб корхона ишлаб чиқариши билан танишдилар. Суратда: завод бош инженерининг ўринбосари В. Горбунов (чапдан иккинчи) мех моларга автоматик участкалардан бирининг иши ҳақида гапириб беряпти.

Н. Ключев фотоси, ЎзТАГ фотохроникаси.

ОЛИМЛАР КЕНГАШИ

Ленин орденли Бутуниттифоқ пахтачилик илмий-текшириш институтининг пахта уруғчилиги ва селекцияси, Ўсимликларни ҳимоя қилиш, Меҳнат Қизил Байроқ орденли Ўрта Осиё қишлоқ хўжалигини механизациялаш ва электрлаштириш, Ўрта Осиё қишлоқ хўжалиги экономикаси ва тупроқшунослик илмий-текшириш институтлари олимларининг Улуғ Октябрь социалистик революцияси 50 йиллигига бағишланган илмий кенгаши бўлиб ўтди. Кенгаш ишида Ўрта Осиё, Қозоғистон ва Закавказия республикаларида пахтачилик соҳасида иш олиб бораётган илмий ташкилотларнинг кўп сонли олимлари, СССР ва Ўзбекистон ССР қишлоқ хўжалик Министрликларининг масъул ходимлари, СоюзНИХИ ҳузуридаги тажриба станцияларининг илмий ходимлари қатнашдилар.

Оржоникидзе районида бўлиб ўтган бу кенгашга В. И. Ленин номидаги Бутуниттифоқ қишлоқ хўжалик Фанлар академиясининг атоқли олимларидан И. Варунцян, Б. Гушин, В. Васин, Г. Аниськин, И. Ревут, Бутуниттифоқ Ўсимликларни ҳимоя қилиш институтининг профессори М. Хохряков, Туркманистон ССР Фанлар академиясининг вице-президенти И. Рабочев, Бутуниттифоқ Тупроқшунослик институтидан В. Марғулис. Тожикистон ССР Фанлар академиясининг академиги В. Красичков ва бошқа ўртоқлар ҳам таклиф этилди.

Кенгашнинг дастлабки йиғилишида СССР қишлоқ хўжалик министрлиги Техника экинлари Бош бошқармасининг бошлиғи В. Стоцкий нутқ сўзлади. У, асосан Совет ҳокимияти йилларида пахтачиликнинг ривожланиши масалалари устида тўхталди. СоюзНИХИ директори Н. Маннонов, Пахта уруғчилиги ва селекцияси институтининг директори Ш. Иброҳимов, Ўсимликларни ҳимоя қилиш институтининг директори С. Алимуҳамедов, САИМЭ директори М. Ғаниев, Ўрта Осиё қишлоқ хўжалиги экономикаси институтининг директори Х. Жалилов ва Тупроқшунослик институтининг директори М. Умаров ўртоқлар пахтачилик фанининг 50 йил ичида босиб ўтган шонли йўли ҳақида кенгаш қатнашчиларига гапириб бердилар.

Кенгаш қатнашчилари қўлга киритилган ютуқларга якун ясаш билан бирга, пахтачилик фанини ривожлантириш режаларини ҳам белгилаб оладилар.

Р. АВАЗОВ.

СЕРКУЁШ республикамизда

ҚУШИҚ — ЯХШИ ИУЛДОШ

ФАРҒОНА. Бағдод район маданият уйининг автоклуби «Ленинград» колхози деҳқонлари ҳузурига келди. Б. Акрамов бошлиқ бригаданинг дала шийпони дарҳол концерт майдончасига айланди. Шўх қўйлар янгради, меҳнатда пахтакорларнинг яхши йўлдоши бўлган севимли қўшиқлар айтилди.

Далаларнинг меҳнатчилари маданият уйи директори М. Ўринбоев бошчилик қилаётган кўчма клуб агитбригадасини ҳамиша хурсандчилик билан кутиб оладилар. Бу сафар бригада аъзолари КПСС Марказий Комитетининг «Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 50 йиллиги» ҳақидаги тезисларини юзасидан лекция ўқидилар, теримчиларга бадиий ва қишлоқ хўжалик адабиётига доир янги китоблар олиб келдилар.

Терим кунларида Фарғона области йўллари бўйлаб бир колхоздан иккинчи колхозга 21 агитбригада қатнаб туради.

БАРАКАЛИ МЕҲНАТ

ЯККАБОҒ (Қашқадарё области), Яккабоғ районидаги «Ленинизм» колхози комплекс механизациялашган бригадасининг бошлиғи Норман Худойқулов пахтазорда ишлаган дастлабки куниёқ буикердан беш тонналик пахтасини ўтказди. Хўжаликнинг механик-ҳайдовчилари 800 тонна пахтани ёки бутун ҳосилнинг қарийб ярмини машинада теришга қарор қилдилар. Дастлабки тўрт комбайн далага чиқди. Механизаторлар ҳар бир комбайн билан 4—5 тонна пахта термоқдалар.

ДАМ ОЛИШ ХОНАЛАРИ

УРГАНЧ. Янгариқ районидаги Охунбобоев номли, Ўрганч районидаги «Пахтакор», Хазорасп районидаги Наримонов номли колхозларининг ва Хоразм областидаги бошқа бир қанча хўжаликларининг типовой дала шийпонларида теримчилар учун шинам ҳордиқ чиқариш хоналари ташкил қилинди. Бундай хоналарда кутубхона, радиоприёмник, телевизор, стол усти ўйинлари бор.

МЎЛ САБЗАВОТ ЕТИШТИРИЛДИ

Самарқанд районидаги «Москва» колхозида рекорд сабзавот ҳосили етиштирилди. Ихтисослаштирилган хўжаликнинг далаларидан гектар бошига 4 минг центнердан помидор йиғиб олинди. Колхозчилар яна камида юз центнердан кечки томат йиғиштириб олишни мўлжалламоқдалар. Бу ерда карамдан мисли кўрилмаган мўл ҳосил етиштирилди. Колхоз бўйича ўрта ҳисобда ҳар гектар ердан 510 центнердан карам ҳосили олинмоқда.

Деҳқонлар давлатга полиз маҳсулотлари сотиш йиллик планини муддатидан олдин бажардилар.

Қабул пунктларига 110 минг центнер ана шундай маҳсулот етказиб берилди.

ҲАМ СОН, ҲАМ СИФАТ

ТЎЙТЕПА (Тошкент области), Ўрта Чирчиқ районидаги «Северный маяк» колхозининг «зангори кема» капитанлари машинани бир марта ҳайдаб ўтишда ҳар гектар ердан 20 центнер «оқ олтин» териб олмоқдалар. Механизаторлардан Нигитали Аюрбоев, Михаил Огай, Константин Пак, Паёз Ниёзовлар ҳар куни бункерлардан 4—5 тонна пахта тўкмоқдалар. Бутун пахта тайёрлов пунктига биринчи сорт билан топширилмоқда. Бу хўжаликда юқори сифатли пахта тергани учун колхоз правленеси бир кунлик иш ҳақининг ўн проценти миқдорида қўшимча ҳақ ёзмоқда.

Теримда машиналар группа-группа бўлиб ишлаганлиги туфайли механизаторларнинг иш унуми ошди. Ҳозир ҳар бир участкада 5—6 комбайн пахта термоқда. Ана шундай группанинг ҳар бирига кўчма ремонт устахонаси бириктириб қўйилган.

ДАСТЛАБКИ РАПОРТ

БЎЗ (Андижон области). Бўз районининг қўриқ ерда жойлашган «Янги турмуш» колхозидан пахтани машинада териш йиллик плани муддатидан олдин бажарилганлиги тўғрисида Фарғона водийсида биринчи бўлиб юбилей рапорти олинди. Деҳқонлар «оқ олтин»ни марказий Фарғонанинг ўзлаштирилган ерларида етиштирмоқдалар.

Совет ҳокимиятининг 50 йиллиги шарафига зарбдор вахтада эришилган муваффақиятда шу хўжаликнинг механик-ҳайдовчилари Абдураим Мансуров, Абдумуталлиб Мирзааҳмедов ва Хабиб Ашуровларнинг г г и н а эмас, шу билан бирга «Партия XX съезди» колхозидаги уларнинг ҳамкасблари—Ўзбекистонда хизмат кўрсатган механизатор СССР Олий Советининг депутати Маноп Жалолов ва Қодирали Абдураҳмоновларни г г хизматлари ҳам бордир. М. Жалолов «Ўзбекистон» машинасида ишлаб, бир ҳафтада қарийб 100 тонна пахта терди.

(ЎзТАГ).

Мамлакатлар Одамлар Воқеалар

МЕҲНАТКАШЛАР ЎЗ ҲУҚУҚЛАРИНИ ҲИМОЯ ҚИЛМОҚДАЛАР

АҚШ

НЬЮ-ЙОРК. Америка меҳнат федерацияси — ишлаб чиқариш касаба союзлари конгресси бирлашмасига кирган Нью-Йорк штатидаги давлат мактаблари ўқитувчиларидан 50 минг кишининг забастовкаси икки ҳафтадан буён давом этмоқда. Нью-Йорктаги 900 мактабда 11 сентябрдаёқ машғулотлар бошланиши керак эди. Бу мактаб бинолари ҳали ҳам бўм-бўш. Иш ташловчиларнинг шаҳар маъмурлари билан узоқ давом этган музокаралари натижа бермади. Нью-Йорк штатида давлат хизматчиларининг забастовкаси қонун билан тақиқланганлиги сабабли забастовка раҳбарлари кўп миқдорда штраф тўлаш ва ҳатто турмага ҳамалиш хавфи остида қолдилар.

Мичиган штатидаги тўққиз районнинг 4 мингдан кўпроқ ўқитувчиси ўз ҳуқуқлари учун курашни давом эттирмоқда. Нью-Йорк ўқитувчилари каби улар ҳам иш ҳақининг оширилишини ва меҳнат шароитининг яхшиланишини талаб қилмоқдалар.

АҚШнинг баъзи районларида иш ташлаган маориф ходимлари ғалаба қозонишга муваффақ бўлдилар. Детройтдаги 12 минг ўқитувчининг икки ҳафталик забастовкаси шу тариқа тамом бўлди. Шаҳар маъмурлари ён бериб, ўқитувчиларнинг иш ҳақини ошириш тўғрисидаги талабини қондиришга мажбур бўлдилар. Детройтдаги мактабларнинг 300 минг ўқувчиси дарсларга қатнай бошлади.

АНГЛИЯ

ЛОНДОН. Касаба союз раҳбарлари ва хўжайинлар вакилларининг ишга қайтиб келиш тўғрисидаги ўгитларига қарамай, Англиянинг неча минглаб докерлари забастовкани давом эттирмоқдалар. Лондон, Ливерпуль ва Манчестер докерлари янги меҳнат системасининг жорий қилинишига қарши норозилик билдирмоқдалар. Бу система докерларни ишдан бўшатишга қарши хеч қандай гарантия бермайди. Кўпгина докларда қизғин митинглар бўлиб ўтди.

Пойтахтни мамлакатнинг марказий районлари билан боғловчи темир йўлларда кўп поездлар ҳозир ҳам тўхтаб турибди. Проводниклар билан темир йўллар маъмурлари ўртасидаги кураш икки ҳафтадан буён давом этмоқда. Иш ҳажми кенгайганлиги муносабати билан темир йўллар маъмурияти проводникларнинг иш ҳақини оширишга рози бўлмаётирлар.

«Воксхолл» автомобиль фирмасининг заводлари тўхтаб-тўхтаб ишлаб турибди. Бу фирмаларда меҳнат ва иш ҳақининг янги шартлари тўғрисида ишчилар билан корхона эгалари ўртасида баҳслар давом этмоқда.

ФРАНЦИЯ

ПАРИЖ. Францияннинг энг йирик сув йўлларидан бири Сена шу кунларда тамомила бошқача тус олди. Монтеро ва Фонтенбло районида Париждан бир неча ўн километр юқорида дарёда баржалар, юк кемалари кўплаб тўхтаб турибди. Сенанинг бу участкасида кемалар қатнови тўхтаб қолди.

Неча юзлаб дарё ишчилари, ўзи юрар баржаларнинг эгалари иш ташлади. Улар юк ташиш учун белгиланган тарифларга риоя қилинишини талаб этмоқдалар. Кейинги вақтларда юк ташиш ҳақи дарё Навигацияси миллий бошқармаси томонидан белгиланган нормалардан 25 процент камайиб кетди.

Газеталар дарё ишчилари дарёларда юк ташишни ўз назоратига олиб, майда рақибларни хонавайрон қилмоқчи бўлган йирик монополиялар найрангининг қурбони бўлиб қолди, деб таъкидламоқдалар.

Забастовка Сенанинг бошқа участкаларига тарқалмоқда ва бутун дарё ҳавзасини ўз ичига олиши мумкин.

ИСПАНИЯ

ЛОНДОН. Шимолий Испания кончилари иш ташлаш ҳуқуқининг эътироф этилишини талаб қилмоқдалар. Рейтер агентлигининг мухбири Мадриддан хабар беради: 10500 ишчи ишзолаган ва Испания Вертикал синдикатларининг раҳбарларига топширилган хатда шу талаб илгари сурилади.

Маълумки, ҳукумат тузган Вертикал синдикатлар ишчиларни ҳам, корхона эгаларини ҳам ўз ичига олади. Ишчилар низоли масалаларнинг ҳаммасини синдикат доирасида ҳал этишлари керак.

Хатда йиғилишлар ўтказиш эркинлиги, ахборот эркинлиги таъминланиши, иш ташловчиларнинг фондлари вужудга келтирилиши керак, деб талаб қилинади. Ишчилар ўзларининг ва корхона эгаларининг касаба союзлари алоҳида-алоҳида иш кўрсин, деб талаб қиладилар.

Вертикал синдикатлар меҳнаткашларни иш ташлаш ҳуқуқидан амалда маҳрум этмоқдалар. Синдикатлар ташкил этилган пайтдан буён уларнинг раҳбарлари бирор марта ҳам забастовка эълон қилмадилар. (ТАСС).

ҚЎҒИРЧОҚ АРМИЯДАН ҚОЧИБ КЕТМОҚДАЛАР

ХАНОЙ. (ТАСС). Вьетнам информация агентлиги—Озодлик агентлигининг хабарига асосланиб, қуйидагиларни билдиради: Лонгсен ва Тяудок вилоятларида қўғирчоқ армиясининг ҳарбий хизматларидан 1200 дан ортиқ киши июль ва август ойларида Жанубий Вьетнам Озодлик армиясига қочиб ўтди.

Шау районидаги ҳарбий таълим марказида қўғирчоқ солдатларнинг бир батальони, Америка «маслаҳатчилари»дан ташқари, Озодлик армияси томонига ўтди. Қўғирчоқ қўшинларнинг икки ротаси (432- ва 433-роталар) қўмондонликнинг буйруғига бўйсунишдан бош тортди ва бу роталарнинг шахсий составидан 45 киши армия сафидан қочиб кетди.

ВАТАНПАРВАРЛАРНИНГ МУВАФФАҚИЯТИ

ХАНОЙ, (ТАСС). Вьетнам информация агентлиги озодлик агентлигининг хабарига асосланиб қуйидагиларни билдиради Вьетнам Озодлик армиясининг жангчилари 3—5 ва 7 сентябрда Тхиатхиен вилоятида жазо отрядларининг уч ҳужумини барбод этдилар ва қўғирчоқ солдатлардан 300 дан ортиқ кишини ўлдирдилар ҳамда яраддор қилдилар.

Ватанпарварлар икки вертолётни уриб туширдилар, 6 бронетранспортёрга шикаст етказдилар ва уларни ишдан чиқардилар.

ХИТОЙДАГИ ВОҚЕАЛАР

«Хунци» журналининг яқинда Пекинда чиққан навбатдаги 14-сони Хитой Коммунистлари ва меҳнаткашларининг кенг табақалари Мао Цзэ-дун группасининг сиёсатига қаттиқ қаршилик кўрсатишни давом эттираётганликларини таъкидламоқда. Журналнинг бош мақоласида «маданий революция»га қарши чиқаётган коммунистлар маочилар режимининг «энг хатарли душмани» деб, ошкора эътироф қилинган. «Кулфатнинг илдизи шуки, дейилади мақолада, ишчилар синфи икки гуруҳга бўлиниб қолди».

Бир томондан, Пекин пропагандаси оппозицияси кучларни «капиталистик йўлдан бораётган ва партияда ҳокимият тепасида турган бир ҳовуч шахслар» қилиб кўрсатишга интилмоқда. Пекиндаги ҳозирги раҳбарликнинг жарчиси бўлган «Хунци» журнали ўзининг редакцион мақоласида ўзгача фикрдаги кишиларга қарши тобора кенг миқёсда кураш олиб боришга чақирмоқда. Журнал «Ҳамма корхоналарда ва ҳамма муассасаларда тор-мор келтириш, таңқид қилиш ва ўзгартириш вазифасини бажаришни» талаб этмоқда.

Шуниси характерлидирки, Синьхуа агентлиги Хитой Компартияси Марказий Комитети маркази-жанубий бюросининг ва Хитой Компартияси Хубей вилоят комитетининг собиқ биринчи секретари Ван Жэнь—Чжунга ҳужум қилиб, ёзаётган ўзининг янги мақолаларида уни, «помешчикларга, қулоқларга контрреволюционерларга, чайкайшичи ҳарбий хизматчилар ва жандармларга, дин аҳлларига қарши» курашга чақирди, деб айблади. Синьхуа агентлиги бундай даъват қилиш ҳатто деб «ҳақиқатда бу одамлар маданий революциянинг асосий объектлари эмас», деб очиқдан-очиқ айтмоқда. Асосий душман партиянинг ичида бўлиб, бу душман Мао Цзэ-дуннинг ҳозирги йўлига қарши чиқаётган кишилардир.

Хитой матбуотида Маонинг мухолифларига нисбатан қилинаётган репрессиялар тўғрисида тобора кўп хабарлар босилиб чиқмоқда. Яқинда Пекиндаги стадионлардан бирида «актив контрреволюционерлар»дан бўлган етти киши устидан «суд» ўтказилди. «Ҳукм қилинганлардан тўрттаси ўша куниёқ отиб ўлдирилди. Бундан бир неча кун муқаддам маочилар мамлакатнинг энг катта шаҳри бўлган Шанхайда ҳам шундай «суд» уюштиришган эди.

Чет эл мухбирларининг Пекиндан берган хабарида айтилишича, Мао Цзэ-дун группаси «контрреволюцион» ташкилотлар «қаршилик кўрсатсалар ва ўз ҳаракатларидан пушаймон бўлиб тавба қилмасалар» уларга ўт оча беришни халқ Озодлик армиясига буюриб қўйган. Ҳарбий қисмларга ва революцион «комитет»ларга берилган бу кўрсатмаларни 5 сентябрда Мао Цзэ-дуннинг ўзи маъқуллаган.

Пекинда ва Шанхайда бўлаётган отишлар, Маонинг қаршилик кўрсатаётган мухолифларига ўт очиш тўғрисида армияга берилган буйруқ «маданий революция» мухолифларини кўркита олмайди. Шарқи-шимолий вилоят—Цзилиньнинг бош шаҳри бўлган Чанчунда яқинда қуролли тўқнашувлар бошланиб кетди. Пекиндан келаётган хабарларда айтилишича, Чанчунда «кечаю-кундуз отишма бўлиб турибди, шаҳар кўчаларида ҳар кун қон тўкилмоқда».

Маоцзэдунчилар билан уларнинг мухолифлари ўртасида бўлаётган кураш мамлакатнинг жанубидаги Гуанчжоу шаҳрида ҳам тўхтовсиз давом этмоқда. Чет эл информация агентликларининг хабарларида айтилишича, ўтган ҳафтанинг охирида Гуанчжоу кўчаларида ва унинг айрим районларида «шиддатли тўқнашувлар» бўлган, шу тўқнашувлар вақтида Мао тарафдорларидан 200 га яқин киши ўлдирилган.

Гуанчжоудан Гонконгга келаётган кишилар шаҳар кўчаларида танклар айланиб юрганлигини гапириб бермоқдалар.

Сичуань вилоятидан келаётган хабарларда «маданий революция»га қаршилик кўрсатаётган янги жойларнинг номлари учрамоқда. Кеча Пекин радиосининг берган хабарида айтилишича, вилоятнинг шаҳарларига, шу жумладан Цзигун шаҳрига қуролли деҳқонлар ҳужум қилганлар. Пекин радиоси, бу деҳқонларни «қишлоқ мансабдор шахслари йўлдан оздирди» деб нолимоқдалар.

Мао Цзэ-дуннинг хотини Цзян Циннинг ролини кўтариш учун маочилар яна зўр бераётганликларини кўрсатувчи хабарлар келмоқда. Информация агентликларининг хабарларида айтилишича, Хитой Компартияси Марказий Комитетининг махкамаси Хитойнинг барча «пролетар революционерлари»га мурожаат қилиб, уларни Цзян Циннинг 5 сентябрда Аньхуэй вилоятида сўзлаган нутқини ўрганишга чақирган. Расмий органлар шу вақтгача фақат Мао Цзэ-дуннинг ўзи сўзлаган нутқларнигина ўрганишга даъват қилишар эди. Хитой Компартияси Марказий Комитетининг махкамаси Цзян Циннинг мазкур нутқини ҳозирги вазиятни «тўғри анализ» қилиб берган, «революцион вазифалар»ни баён қилиб берган нутқ, деб атамоқда. Бугун Пекиндаги газеталар Цзян Цинга ҳушомадгўйлик қилиб, унинг мазкур нутқини «раис Мао бошчилигидаги пролетар штабининг муҳим жанговар буйруғи» деб мақтамоқдалар.

(ТАСС, 19 сентябрь).



Суратда: Виставка залида. Ҳ. Ҳайитмуҳамедов фотоси.

ҚОВУН САЙИЛИ

Бундан икки минг йилдан кўпроқ олдин биринчи марта жуда юксак баҳо олган Хоразм қовунлари ҳозир ҳам ўзининг ширинлиги, шарбати ва хуш таъми билан биринчиликни эгаллаб келмоқда. Кечагина Тошкентда ёпилган Ўзбекистон қовунлари виставкасининг қатнашчилари бунга яна бир марта ишонч ҳосил қилдилар. Ҳакамлар Хоразм области ва Қорақалпоғистон Автоном республикаси полизчиларига биринчи ўринни беришга қарор қилдилар.

Қадимий анъанага мувофиқ энг яхши халқ селекционерлари бекасам тўнлар билан мукофотландилар. М. Юсупов, М. Собиров, Б. Қодиров ва бошқа моҳир полизчилар шулар жумласидан бўлиб, улар синчиклаб танлаш йўли билан қовуннинг ажойиб навларини ҳозиргача сақланиб келишини таъминладилар. Ана шундай қовунлар қадим замонда ялтирок қоғозга ўралиб Хивадан Шарқ давлатларининг ҳукмдорларига инъом қилиб юборилардн.

Қовуннинг айрим навлари ардоқланиб «Ноғу-гўшт», «Бизнинг ота» деб аталиши бежиз эмас. Ана шу хилдаги қовунларни йил ўн икки ой сақлаш ва маза қилиб ейиш мумкин. Эртаги қовунлар июнь ойида пишади, конкурснинг «Ола ҳамма», «Қўй бош» каби маликалари эса келгуси йил ёзигача жуда яхши сақланади. Ана шу хилдаги қовунлар ҳар биттасининг оғирлиги 20-30 килограммгача етади.

Қовун кўпайиши ва уларнинг ҳаммаси энг яхши навли бўлиши учун нима қилмоқ керак? Бунинг учун селекция ишини кучайтириш, шунингдек ҳосилни касалликлардан сақлаш йўлларини топиш зарур. Афсуски, айрим хўжаликларда қовуннинг касалланишидан кўриб, қовун ўрнига касалликка кўпроқ бардош бераднган тарвуз экишни афзал кўришади. Илмий ходимлар олдида турган вазифалар полизчи-олимларнинг шу кунларда бўлиб ўтган Бутуниттифоқ семинарида муҳокама қилинди. Унинг қатнашчилари қовунлар конкурси жюрисининг аъзолари қилиб тайинланди. Улар талабнинг жуда қаттиқ бўлишига қарамай, фақат «аъло» баҳо беришди.

КПСС Марказий Комитети Сиёсий Бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ш. Р. Рашидов, Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг Раиси Р. Қ. Қурбонов, республика Министрлар Совети Раисининг ўринбосари Г. А. Габриельянц Ўзбекистон қовунлари виставкасини бориб кўрдилар.

Родезияда янги ваҳшиёна қонун

ДОРУССАЛОМ, 20 сентябрь. (ТАСС). Солсбериdан хабар беришларича, Родезия ирқчилар парламенти кеча янги ваҳшиёна қонун қабул қилган. Бу қонун мамлакатдаги африкалик аҳолининг миллий озодлик курашини бостиришга қаратилган.

Қонун қурол ёки ўқ-дори топилган ҳар бир кишини ўлим жазосига ҳукм қилишни кўзда тутади. Смитчи юстиция министри Ларднер-Берк бу қонунни тушунтириб у, аввало, «терроричилар»га қарши (ирқчилар африкалик кўзголончилар н и шундай деб атайдилар) қаратилган, деди.

Шундай қилиб, ирқчилар охранкаси эндиликда аҳоли ғоят кўпчилигининг ноилмол этилган ҳуқуқлари учун курашга отланган кишиларни йўқ қилиб юбориш йўлида «қонун» билан белгиланган ҳуқуқни олди.



ПОЛЬША. Познань воеводствосининг Маницки давлат хўжалиги ерларида янги хашак йиғиш машинаси ишламоқда.

ЦАФ—ТАСС фотоси.

ЯПОНИЯДА ЕР ҚИМИРЛАДИ

ТОКИО, 21 сентябрь. (ТАСС). Бугун эрталаб бўлган ўртача қувватли ер қимирлаш Япония пойтахти билан атроф шаҳарлардаги аҳолининг кўнглини бир неча минут ноҳуш қилди.

Сейсмик станцияларнинг асбоблари ер қимирлаш эпицентри Ибараки префектурасининг (Токионинг шимолида) жанубий қисмида эканлигини кўрсатди. Токнода бўлган ер қимирлаш кучи (Японияда қабул қилинган етти баллы шкала бўйича) уч баллга боради, деб ҳисобланди. Одамлар қурбон бўлмади, иморатлар бузилмади.

ШОНЛИ ЙИЛЛАР КЎЗГУСИ

Москвадаги СССР Революция Давлат музейининг қирқта залида намойиш қилинаётган унутилмас йиллар ёдгорликлари Улуғ Октябрь юбилейи арафасида янги материаллар билан бойимоқда. Иттифоқчи республикалар, шу жумладан Ўзбекистон республикасининг камол топишини тасвирлаган янги картиналар кўргазмага қўйилди. Музейдаги тарихий ёдгорликлар Улуғ Октябрь социалистик революциясига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишдаги айрим воқеалар, барча миллий республикалардаги коммунистик қурилишнинг босқичлари ҳақида ҳикоя қилади.

Бир группа экскурсантлар билан сарғайиб кетган ҳужжатларни кўздан кечираміз. Стендларнинг бири олдида Хоразмдан келган қизлар узоқ туриб қолишди. Уларнинг диққатини олтин ва кумуш билан безатилган қилич жалб этган. Экспонат тагидаги ёзувни ўқиймиз:

«Бу қилич билан Хоразм ҳарбий назири (комиссари) Х. М. Муҳаммаджонов ингирманчи йилларда босмачиларга қарши қаҳрамонона курашгани учун тақдирланган».

Самарқанддаги оммавий намойиш, 1925 йил февраль ойида Ўзбекистон ССР Советларининг биринчи қурултойига меҳмон бўлиб келган М. И. Калининнинг Коган станциясида кутиб олинишини акс эттирган суратлар Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси ташкил топган дастлабки йиллар воқеаларига мансуб. Бу ерда Ўзбекистон Компартиясининг биринчи съездига меҳнаткашлар тортиқ этган байроқ, делегат мандатлари сақланмоқда.

Музейдаги бошқа экспонатлар Ўзбекистоннинг хўжалик ва маданий қурилишдаги ютуқларн, немис-фашистларга қарши кураши ва улар устидан қозонилган галабага қўшган ҳиссаси, урушдан кейинги муваффақиятлари ҳақида ҳикоя қилади.

Совет давлатининг эллик йиллик тўйи яқинлашган сари музей адресига келаётган бандероллар кўпайиб боряпти. Бундай совғалар Ўзбекистондан ҳам келмоқда. «СССРда коммунистик жамият қурилиши кенг авж олдирилган йилларда» (1959—1967 йиллар) деб номланган янги бўлимга ҳам жуда кўплаб материаллар келаяпти. Катта ҳажмдаги бадиий панно томошабинлар диққатини ўзига тортади. Унда Совет Иттифоқи ва қардош иттифоқчи республикаларнинг гербларн тасвирланган. Тошкентдаги ядро-физика институтида ишга туширилган реакторни, атом энергиясидан тинч мақсадларда фойдаланиш бўйича ўтказилган биринчи Тошкент конференциясини ифода этган расмлар томошабинларни яқин ўтмишдан хабардор қилади.

Музей экспозициялари таниқли ўзбек олимларининг, ёзувчиларининг асарлари билан бойиб бораяпти. Республика Фанлар академиясининг собиқ президенти Х. М. Абдуллаевнинг Ленин мукофотига сазовор бўлган асарларидан нусха қўйилган. Ғафур Ғуломнинг дасхати ёзилган китоблар ҳам музейга совға қилинди. Ўзбек шоирларининг белорус тилида Минскда нашр этилган «Ўзбекистон куйлайди» номли шеърлар тўплами ҳам музей бойлиги бўлиб қолди. Бу ерда Ленин декрети билан ташкил этилган Тошкент Давлат университети, Ўзбекистон халқ театрлари ҳақида ҳикоя қилувчи материаллар жуда кўп. Тошкент тўқувчилари, уларнинг маданият саройи, халқ университетлари билан таништирувчи ҳужжатлар музей стендларидан ўрин олган.

СССР революция Давлат музейида тарихчилар ва философлар, пропагандистлар ва лекторлар ўзлари учун кўплаб янгиликлар оладилар.

Бу ерда кекса большевикларни ҳам, пионерларни ҳам, Москвага меҳмон бўлиб келган турли мамлакат вакилларини ҳам учратиш мумкин. Музейни томоша қилаётган экскурсантларнинг сон-саноғи йўқ.

Р. АБДУЛЛАЕВ.


ОБОД КОЛХОЗ

Эски Тошкент қишлоғи территориясидаги «Москва» колхозининг 75 хўжалиги юбилей йилида янги шинам уйларга кўчиб ўтди. Колхоз правлениеси хўжалик аъзоларига янги замонавий типда уй қуриб олишлари учун яна 12 минг сўм ссуда пули ажратди.

Шунингдек қишлоқнинг Киров, Куйбишев, Калинин участкаси аҳолиси водопровод суви билан таъминланди. Калинин участкасининг серқатнов марказий кўчаси асфальтланди. Куйбишев участкасида эса янги типда катта универмаг қуриб ишга туширилди.

Колхоз марказидаги катта клуб биноси ремонтдан чиқарилиб тўла жиҳозланди. Ҳозир колхозчилар, ўқувчилар кечки дам олиш соатларини ана шу клубда ўтказишмоқда.

П. УРИНБОЕВ.
Янгийўл.



БУГУНГИ ТОШКЕНТ. Муқимий кўчасининг кўриниши Р. Шамсиддинов фотоси (ЎзТАГ).

ТОШКЕНТ МАРКАЗИ

В. И. Ленин номли Қизил майдонда долзарб дамлар бошланди. Кечаю-кундуз бинокорларда ҳам, агрегатларда ҳам тиним йўқ. Тунларн прожекторлар ёғдусида йўлкаларга бетон қопланаяпти, коммуникация ва пардозлаш ишлари олиб борилаяпти. Юбилейга саноқли кунлар қолди. Октябрь ойи ичида Қизил майдон тўла қўлдан чиқиши керак. Юбилей йилининг Октябрь намойиши мана шу майдонда ўтади.

Шу кеча-кундузда 2,5 минг бинокор, механизатор ва йўл ишчиси Қизил майдонни қайта реконструкция қилишда қатнашаяпти. Ҳозироқ янги майдон ўзини кўрсатиб турибди. Майдоннинг бир томонида етти қаватли кўркам иморат пардозлаш чиқаяпти. Унинг ёнгинасида Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитетининг янги биноси кўкка бўй чўзган. Иккинчи томонда эса 19 қаватли улкан бино қурилиши олиб борилмоқда. Ўртада скрейпер ва бульдозерлар майдонни Ўзбекистон ва Лоҳутий кўчаларига улаяпти. Скрейпер ва бульдозерлар билан изма-из бетон қуйиш машинаси бораяпти. Тўрт агрегатни ўзига бирлаштирган бу гигант машина шу кунгача ўндаб полоса бетон йўлка тайёрлаб берди.

— Қизил майдон илгаригa нисбатан 2—3 марта катталашиб кетди,— дейди «Главташкентстрой» ишлар бўлими бошлиғи Николай Лапин.— Майдоннинг бўйи ҳозир бир километр, эни 35 метр, кўкаламзор участкалар эни эса 16 метрни ташкил этади. Навоий кўчасидан кириб келган намойишчилар колоннаси «ялпи коридор»дан ёқалаб Ўзбекистон кўчасига чиқиб кетаверади. Трибунадаги ўринлар сони ҳам анча кўпаяди. Бундан ташқари майдоннинг 30 минг квадрат метр территориясига пардоз плиталари ётқизилади. Ҳарбийлар шахдам қадамлар ташлаб мана шу территориядан ўтадилар.

Майдоннинг қуйи томонига пиллапоялар ётқизилади. Бу пиллапоялар бўйлаб Ленинград кўчасига томон тушиб кетиш мумкин. Шунингдек барча ерости коммуникацияларини бир жойга тўплайдиган коллектор қурилиши ҳам майдоннинг пастки томонида олиб борилмоқда.

Юбилей йилининг ўтган ойларида бинокорлар гоятда катта ишларни амалга оширдилар. Майдонни реконструкция қилаётган азаматлардан Мехти Искандеров моҳирдик билан бетон қуйиш агрегатини бошқармоқда. Мехти ва унинг дўстлари шу кунларда тағин ҳам тез суръатлар билан ишлашаяпти. Шунингдек, бўёқчи Наташа Малюченко, грейдер машинисти Пётр Мандрикин, сантехник Абдулла Собиров ва бошқа ўнлаб бинокорлар шу долзарб дамларда зўр шижоат билан меҳнат қилмоқдалар.

Майдон ўртасига каттагина плакат ўрнатилган. Ҳар куни бу плакатга маррага қанча кун қолганлиги қайд қилиб борилади. Бу бинокорларда масъулият ҳиссини тағин ҳам ошираяпти. Улар бугун, кечагидан, эртага эса бугунгидан ҳам унумлирок меҳнат қилишга, реконструкция ишларини тезроқ ниҳоясига етказишга ошиқмоқдалар.

Тошкент маркази ҳадемай бизга кулиб боқади. Гулзорлар ёшил либос кияди, сунъий кўлларда нилуфарлар очилади. Бетон йўлкаларга яна оқ кабутарлар келиб қўнади. Тантаналарнмиз мана шу кўркам майдонда ўтказилади.

Шонли эллик йиллик шодиёналарини тошкентликлар мана шу табаррук жойда нишонлайдилар. Бинокорлар шу кунни ўйлаб суръатга суръат қўшмоқдалар, майдонни тезроқ фойдаланишга топширишга ҳаракат қилмоқдалар.

З. МУҲАММАДЖОНОВ.

ТОШКЕНТ ЯНГИЛИКЛАРИ

«ШАРҚ» ЁҒИ

Шу кунларда ҳамма жойда Октябрнинг 50 йиллигини муносиб кутиб олиш учун қизғин тайёргарлик ишлари олиб борилаётир. Пойтахтимиздаги ёғмой комбинатининг коллективи ҳам шу улуғ кунни муносиб совғалар билан кутиб олиш ҳаракатида. Завод яқиндан бошлаб «Шарқ» деб аталган янги ёғ ишлаб чиқаришга киришади. Бу маҳсулот қўй ёғини пахта мойи билан аралаштириб тайёрланади. Янги маҳсулот миллий таомлар пиширишда жуда қўл келади.

Бундан ташқари юбилей йилида қаймоқли, сутли маргаринлар ҳам тайёрланади. Ҳозирда цехларни янги маҳсулотлар тайёрлашга мослаб реконструкция қилинаяпти.

АНҲОР ЁҚАЛАБ...

Анҳор суви соҳиллари ободонлаштирилаётир. Пастқам бўлган сув ёқаси меҳнаткашларнинг дам оладиган жойига айлантирилаётир. Анҳорнинг ўнг томони текисланиб, асфальт ётқизилмоқда. Чироқлар ўрнатилиб, кичик-кичик фонтанчалар қуришга ҳозирлик кўрилмоқда. Анҳорнинг чап томонига ҳам файз киради. Унинг Ўзбекистон кўчасига чиқадиган чекалари ҳам ободонлашади. Анҳор суви устига Гагарин боғига ўтадиган кичик кўприк қурилади. Сув ёқаларига кичик-кичик савдо будкачалари ўрнатилади.

БУНИ УНУТМАНГ

Партия ва ҳукуматимиз болалар тарбиясига катта аҳамият беряпти, кўплаб болалар боғча ва яслилари, пионер саройлари, мактаб ва интернатлар қурияпти. Бу ерда улар малакали педагоглардан таълим олишяпти.

Бироқ уларни гоҳо-гоҳо назоратсиз қолдириш натижасида кўнгилсиз ҳодисалар юз бераяпти. Уйларда ва кўчаларда назоратсиз қолган болалар гугурт чақадилар, ўт билан ўйнашадилар. Натижада кўнгилсиз воқеалар юз беради. Уй-жойлар, қимматбаҳо буюмлар яроқсиз ҳолга келади, ёнғин айбдорлари эса қаттиқ шикастланадилар, гоҳида эса ҳалок бўладилар.

Оржоникидзе районидаги «Қизил Ўзбекистон» колхозининг 9-бригадасида ўқувчи Иззатулла Исҳоқов ўртоқлари билан гугурт ёқиб ўйнаган. Натижада хирмондаги бир қисм пахтага ўт кетган.

Қибрай посёлкасидаги 249-участкада яшовчи С. Исаевлар фарзанди беш ёшлик Эльмира гугурт ўйнаши туфайли уйнинг томи буткул ёниб тушган.

Солдатское қишлоғининг Садовая кўчасида яшовчи Ким хонадонига ҳам болалар назоратсиз қолдирилганда ўт тушди.

Бундай кўнгилсиз ҳодисаларнинг олдини олиш мумкин эди. Болаларнинг гугурт ўйнашига, примус, самовар, газ ёқишига, плита ва дазмол қўйишига сира-сира йўл қўйманг.

Ўт ўчириш қоидаларига амал қилинг. Яхшиси, ўт ўчиришдан кўра унинг олдини олишга, кўнгилсиз ҳодиса юз бермаслигига ҳаракат қилинг.

П. ГРИНЕНКО.
Область ўт ўчириш кўнгилли жамияти советининг раиси.

ПОЙТАХТИМИЗ МЕҲМОНЛАРИ



Пойтахтимизнинг кўп сонли эстрада шинавандалари ажойиб томошаларнинг гувоҳи бўлмоқдалар. Шаҳримизга ташриф буюрган Югославия «АВС» эстрада ансамбли артистлари улар учун қизиқарли программада концертлар кўрсатмоқдалар. Меҳмонлар томоша кўрсатаётган Свердлов номли концерт зали ҳар куни оқшом санъат ихлосмандлари билан лиқ тўлмоқда. Тошкентликлар қардош мамлакат қўшиқлари, шўх музикаси ва куйларини завқ билан тинглашмоқда. Суратда: ансамблнинг қўшиқчиси Звонко Спишич (чапда). Пастда эса «АВС» эстрада ансамбли куйлар ижро этмоқда.

М. Нуриддинов фотолари.



КОИНОТ ВА „АҚЛЛИ“ МАШИНА

Кишиларнинг асрлардан бери қилиб келган орзулари Улуғ Октябрь социалистик революциясидан кейингина рўёбга чиқа борди. Ҳақиқатан ҳам ўтган шонли эллик йилга назар ташлар экансиз, халқ хўжалигининг турли соҳаларидаги улкан ютуқлар билан бирга электроника, кибернетика, бионика каби фанларнинг ҳаётга чуқур илдиз отиб, беқиёс даражада ривожланиб бораётганини кўрамиз.

Айниқса, электрон-ҳисоблаш машинасининг кашф этилиши кишиларнинг оғир ва мураккаб ақлий меҳнатини бир мунча енгиллатиб, кибернетика учун катта йўл очиб берди. Натижада инсон — совет кишиси биринчи бўлиб коинотга қадам ташлади. Сунъий йўлдошлар учирилди. Ракета ойга бориб қўнди.

Бу гапларни айтишгина осон. Аслида булар совет кишиларининг тинимсиз меҳнат ва изланишларининг ёркин самарасидир. Агар, секундига ўн минглаб арифметик ва логик амал бажарувчи электрон-ҳисоблаш машиналар (ЭҲМ)и яратилмаганида эди, коинотга кемаларни учириш ҳали ҳам орзулигича қоларди.

Ҳақиқатан ҳам коинот сирларини ўрганишда ЭҲМнинг роли беқиёсдир. Унинг зиммасига мураккаб астрономик ҳисоблашлардан тортиб, ракета бортидан келиб турган ахборотларни қайта ишлашгача; космик кеманинг лойиҳасидан тортиб, коинотда кемани бошқариб юришгача жиддий масалалар юкланган.

Бундай «ақлли» машиналарнинг ёрдамисиз юқоридаги масалаларни ҳал этишда минглаб кишиларнинг бир неча ўн йиллаб меҳнат қилишлари даркор бўларди. Лекин, «ақлли» машина инсонни бу каби мураккаб ақлий меҳнатдан ҳалос этди, коинотни ўрганишда (бошқа кўпгина фан соҳаларида ҳам) инсоннинг энг яқин ёрдамчиси бўлиб қолди.

Космик кемаларнинг траекториясини аниқлаш, уларни бошқариб бориш каби юзлаб материалларни координация-ҳисоблаш марказидаги юқори классли ЭҲМлар автоматик тарзда ракета бортидаги «миттн» ЭҲМларидан қабул қилиб, керакли функцияларни бажаради. Бунда ЭҲМдан минглаб, юз минглаб арифметик ва логик амалларни бажаришдан ташқари, ўта аниқлик ҳам талаб этилади.

Коинотни ўрганишда Иттифоқимиз олимларининг, инженер-техникларининг, ишчи ва хизматчиларининг роли каттадир. Улар яратган махсус ва универсал ЭҲМларининг ишончли ва аниқ ишлаши ҳамда назарий ҳисобларнинг амалда мос келиши туфайли Иттифоқимизда учирилган йўлдош ва ракеталар кўрсатилган орбита ва траектория бўйлаб ҳаракатда зиммасига юклатилган топшириқларни адо этиб келмоқда.

Киши коинотни қанчалик кўп ўрганса, унинг олдида шунчалик кўп муҳимроқ масалалар пайдо бўлаверади. Бу ерда яна электрон машинанинг ёрдамига таянилади. Космик кема бортидаги ЭҲМнинг бажараётган функцияси, учувчи-космонавт бажарадиган функцияга яқинроқ бўлиши керак. Шунинг учун ЭҲМ ҳам мураккаблашиб боради. Токи у коинотда инсон бажарадиган ишларнинг ҳаммасини бажара олсин. Ахир, кишиларнинг скафандрда планеталар бўйлаб қиладиган дастлабки «сайгузашт»ларида шундай «ақлли» машиналар ёрдамига таянилади-да!...

Электрон-ҳисоблаш машина фақат коинотни ўрганишда эмас балки халқ хўжалигининг, ҳарбий, мудофаанинг барча тармоқларида ҳам қўл келмоқда. Шунинг учун бундай «ақлли» машиналар ҳозирда ҳам, келгусида ҳам барча фан соҳасида инсоннинг биринчи ёрдамчиси бўлиб қолади десак янглишмаган бўламиз.

Ш. УМАРОВ,
инженер.

СПОРТ ЯНГИЛИКЛАРИ

ГЛАЗГОДА ҒАЛАБА, МОСКВАДА ДУРАНГ

20 сентябрь куни Европа чемпионлари кубоги ва кубок эгалари учун Глазго ва Москвада мусобақалар бўлиб ўтди. Шотландия пойтахтида Европа чемпионлари кубогининг ҳозирги эгаси бўлган «Селтик» командаси Совет Иттифоқи чемпиони—Киевнинг «Динамо» командасини қабул қилди. Совет чемпионлари кучли рақиблари майдонида юксак маҳоратларини намойиш қилиб, ўйинни ўз фойдаларига якунлай олдилар. Учрашувнинг биринчи бўлимида динамочи Пузач ва Бишовец иккита тўп уришди. Танаффусдан сўнг майдон эгалари битта жавоб тўпи киритишга муваффақ бўлдилар, холос. Ҳисоб 2:1.

Иккинчи турнир—Европа кубок эгалари кубоги учун бўлган биринчи ўйинни Москванинг «Торпедо» командаси дуранг билан якунлади. Автозаводчилар Германия Демократик Республикасидан келган «Мотор» командаси билан учрашиб, ҳисобни очолмадилар.

Бир кун аввал СССР чемпионатида икки ўйин ўтказилди. СССР кубоги финалига чиққан ЦСКА Москвада Кутансининг «Торпедо» командасини қабул қилди. Армия футболчилари кубок ўйинида чарчаб қолганликлари сезилди. Учрашув 3:1 ҳисобида кутансиликлар фойдасига ҳал бўлди. Куйбишевнинг «Крилья Советов» командаси дуранглар бўйича рекорд қўяяпти. Бу команда навбатдаги ўйинида ҳам бир очко олди. Куйбишевликлар Тбилиси динамочилари билан бўлган учрашувни 1:1 ҳисоби билан якунладилар.

ОЛТИН МЕДАЛЬ ЭГАЛАРИ

Чирчиқлик енгил атлетикачи Роза Бабич Нальчик шаҳрида бўлган мусобақада ВЦСПС чемпиони номини олди. У 200 метрга тўсиқлароша югуришда 27,8 секунд натижа кўрсатиб олтин медални қўлга киритди.

Тошкентлик боксчи Геннадий Яблоков социалистик мамлакатлар «Динамо» коллективлари ўртасида бўлган мусобақада ҳамма рақибларни енгиб финалга чиқди. Финалда у руминиялик рақиби Гицни ҳам мағлубиятга учратди ва Венгриядан олтин медаль олиб қайтди.

Иккинчи бир чарм қўлқоп устамиз Петр Чединовских спартакиадада қатнашиб, шундай юксак мукофотга сазовор бўлди.

Редактор А. ИСМОИЛОВ.

Реклама ва Эълонлар

ТЕЛЕВИДЕНИЕ

22 СЕНТЯБРДА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

Рус тилида: 17.55—**Эшиттиришлар программаси,** 18.00—**Жавоҳир изловчилар** (болалар учун мультфильм), 18.10 — **Телеянгиликлар,** 18.30 — **Классик куйлар,** 19.10 — **Майор Вихрь** (телевизион бадиий фильмнинг иккинчи қисми), 20.20 —**Эшиттиришлар программаси.**

Узбек тилида: 20.25—**Телеянгиликлар,** 20.45—**Пахта териш машиналари — мавсумда** (қишлоқ хўжалик ходимлари учун), 21.00 — **Жон — Андижон** (ярим аср йилномаси).

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

Узбек тилида: 17.55—**Эшиттиришлар программаси,** 18.00—**Маймун Бобе** (болалар учун мульт. фильм), 18.20—**Юбилей вахтасида,** 18.40—**Хабаровскда учрашув** (ҳужжатли фильм), 19.00—**СССР халқлари куйлари.**

19.45 дан—**МОСКВА КУРСАТАДИ.**

УЧИНЧИ ПРОГРАММА

18.00 дан—**ОЛМАОТА КУРСАТАДИ.**

ТОШКЕНТ КУРСАТАДИ

Узбек тилида: 19.30—**Эшиттиришлар программаси,** 19.35—**Янгиликлар,** 19.45—**Кичик йўл эгалари** (болалар учун кинофильм), 20.05—**Ёшлар ижоди** (адабий эшиттириш).

Рус тилида: 20.25—**Федичева ва Соловьевларнинг ижодий кечаси** (фильм-концерт), 21.40—**Янгиликлар,** 21.50—**Н. В. Гоголь. Май кечаси ёки сувга чўккан қиз** (фильм-спектакль).

ТЕАТР

ҲАМЗА НОМЛИ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА—22/IX да **Аяжонларим,** 23/IX да **Мирзо Улуғбек.**

МУҚИМИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА—22/IX да **Ёшликда берган кўнгил,** 23/IX да **Гули сиёҳ.**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИ—**25/IX да ўз мавсумини очади.** 22 сентябрга сотиб олинган билетлар 25 сентябрь кеч соат 7 яримга ўтади.

КИНО

ҚИШКИ БИНОДА

Фантомас қутирмоқда—САНЪАТ САРОЙИ, НАВОИЙ номли, «МОСКВА», «ЎЗБЕКИСТОН», «ЧАЙКА», «ВОСТОК», «ДРУЖБА», «ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ» (кундуз ва кечқурун).

ЁЗГИ БИНОДА

Фантомас қутирмоқда — «ФЕСТИВАЛЬ», НАВОИЙ номли.

Денгиз ҳикоялари — «РАКЕТА», ТЕЛЬМАН номли.

Золтан Карпатининг тақдири—«ВАТАН».

Австралиялик учун хотин—КАФАНОВ номли.

ШАҲАР ВОДОПРОВОДИ ВА КАНАЛИЗАЦИЯСИ, АБОНЕНТЛАРИ ҚУРИЛИШ ТАШКИЛОТЛАРИ,

КОРХОНА ВА МУАССАСАЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

Водопровод ва канализация қурилмалари ва тармоқларидан фойдаланилганда маҳаллий саноат ва коммуналь хўжалик ишчилари Касаба союз Марказий комитети президиуми тасдиқлаган «Хавфсизлик техникаси қоидаси»га тўла амал қилиш керак.

Кўчалардаги қудуқларнинг қопқогини очиш ва бу қудуқларга тушиш «Водоканал» трести ишчиларидан бошқа ҳамма учун қатъиян тақиқланади.

Водопровод ва канализация қудуқларида захарли газлар бўлиб, инсон ҳаёти учун хавфлидир.

«УЗЭНЕРГОСБИТ»

абонентларга таклиф қиладики, электрдан фойдаланганлик учун ҳар ойнинг 1-кунидан 11-кунигача

СЧЕТ ЁЗИБ

тегишли пулни Госбанкнинг кирим омонат кассаларига топширсинлар.

Ўтган вақт учун қарзлари бўлган абонентлар

ДАРҲОЛ ТЎЛАШЛАРИ ЛОЗИМ

Счётлар ўз вақтида тўланмаса, электр огоҳ қилмасдан узиб қўйилади.



1968 ЙИЛ УЧУН

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ»

ГАЗЕТАСИГА ОБУНА ҚИЛИШ БОШЛАНДИ

ОБУНА БАҲОСИ: бир йилга—5 сўм 28 тийин, олти ойга—2 сўм 64 тийин, уч ойга—1 сўм 32 тийин.

ГАЗЕТАГА «СОЮЗПЕЧАТЬ» БЎЛИМЛАРИДА, ОБУНА ҚИЛИШ ПУНКТЛАРИДА, ИШ ВА ЎҚИШ ЖОЙЛАРИДА ЁЗИЛИШ МУМКИН.

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» («ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА») — Орган Ташкентского обкома КП Узбекистана областного Совета депутатов трудящихся.

Бизнинг АДРЕС: Тошкент, «Правда Востока» кўчаси, 26 уй

РЕДАКЦИЯ ТЕЛЕФОНЛАРИ: Редактор—В35212, Редактор ўринбосарлари—В35885 В31232. Масъул секретарь—В34808. Пропаганда, адабиёт ва санъат бўлимлари—В31936. Саноат, транспорт ва қурилиш бўлими—в33786. Партия турмуши, Ахборот ва спорт бўлимлари—В35811 Қишлоқ хўжалиги, фан, мактаб ва олий ўқув юртлари бўлимлари—В39050 Совет қурилиш маиший хизмат ва шаҳар хўжалиги бўлими — В38761. Хатлар ва оммавий ишлар бўлими — В34048. Эълонлар бўлими — В38142. Коммутатор В30249 дан В30258 гача.

Узбекистон Компартияси Марказий Комитети бирлашган нашриётининг босмахонаси, Тошкент шаҳри.

Р. 01253. Индекс — 64697. А. 1751.